O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

Ушбу сонда:

2 ТЕНДЕР ТАЛАБИ – ХОЛИСЛИК

3 НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

СУНЪИЙ ЙЎҚОТИШ

4 АНТИҚА ТАРБИЯ

MEZON:

Фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари эллик йилгача бўлган, лекин ўн йилдан кам бўлмаган муддатта ижарага берилади.

Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви ва фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади.

Ер участкасидан оқилона ва самарали фойдаланаётган фермер хўжалигига қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви томонидан умумий мажлиснинг қарори асосида қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва уни қайта ишлаш, ем ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек, яйлов яратиш учун қисқа муддатли ижарага қўшимча равишда ер участкалари берилиши мумкин.

Ер участкасини олишда мазкур жойда яшовчи шахслар устун ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувининг ва туман ҳокимининг ер участкаси беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга ёки бўйсунув тартибида юқори органга, мансабдор шахсга шикоят қилиш мумкин.

Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари олган ва қишлоқ аҳоли пунктида турар жойи бўлган шахсларнинг уй-жойидаги томорқа чек ерлари сақланиб қолади.

Фермер хўжалигига ажратилган ернинг чегаралари натурада (жойнинг ўзида) ер тузиш хизмати органлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан расмийлаштирилади.

Фермер хўжаликларига ер бериш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

"ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 10-МОДДА

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 31 (387)
2004 йил
10 АВГУСТ
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

Инсон ҳаёти мураккаб яралган бўлиб, у турли пасту-баландликлардан иборат. Шу боис нотекис умр йўлида айрим одамлар билиб-билмай адашиши, хатога йўл қўйиши мумкин. Ана шундай кезларда одатда, инсон кимнингдир меҳр-мурувватига, беғараз қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлади. Агар билиб-билмай адашган кишига бағрикенглик ва тантилик кўрсатилса, айби кечирилса, у яна тўғри йўлга тушиб олади. Бошқача айтганда, ўз вақтида кўрсатилган эзгулик ва олижаноблик туфайли ҳаётда ўз ўрнини қайта топади.

Таъкидлаш жоизки, бундай олижаноб хислатлар халқимиз табиатида азалдан мавжуд. Зеро, йиқилганни суяш, адашганга тўғри йўл кўрсатиш, айбдорни кечириш каби фазилатлар халқимиз табиатида ҳамиша барҳаёт бўлиб келган фазилат ҳисобланади. Шуни айтиш керакки, халқимиз улуғлаб келган бу азалий қадриятлар истиқлолнинг эркинлик сиёсати шарофати билан истиқлол йилларида янада теранроқ намоён бўлмоқда. Бунга мисол сифатида Президентимизнинг **"Амнистия тўғрисида"**ги Фармонларни келтириш мумкин. Ўтган қисқа муддат мобайнида 14 марта бундай фармонлар эълон қилингани ҳам ана шу бағрикенглик ўзининг ҳаётий ифодасини топаётганини кўрсатади. Энг муҳими, бу тарихий ҳужжатлар туфайли жиноят йўлига кирган маҳкумлар жазодан муддатидан илгари озод бўлиб, ўз оиласи ва тинч ҳаёт бағрига қайтишди. Бундай бағрикенглик, олижаноблик уларнинг ҳаётида унутилмас из қолдириши шубҳасиз. Биргина Конституциямизнинг ўн йиллиги муносабати билан эълон қилинган **"Амнистия тўғрисида"**ги Президент Фармони 57783 нафар маҳкумга нисбатан қўлланилди. 33752 нафар маҳкум жазони ўташдан муддатидан илгари озод этилди, 24031 нафар маҳкумнинг жазо муддати қисқартирилди. Қолаверса, диний-экстремистик ташкилотлар таркибида мамлакатимизнинг конституциявий тузумига қарши жиноятлар содир этган ва жазони ўташ даврида ўз қилмишларига чин кўнгилдан пушаймон бўлган 923 нафар айбдор ҳам жазодан муддатидан олдин озод этилди. Бундан ташқари, озод этилган маҳкумларнинг тинч ҳаётга мослашиши ва ўзини тиклаб олиши учун 59 миллион 230 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, халқимиз куни кеча бошидан кечирган мустабид шўро тузумида билиб-билмай жиноятга қўл урган кишининг нафақат ўзи, балки оила аъзолари, фарзандларининг ҳам номи қора бўларди. Содда қилиб айтганда, жиноятчи одам ўрнида кўрилмасди. Юртимиз мустақил бўлгач, жамиятда билиб-билмай жиноят содир этганларга аввало инсон сифатида муносабатда бўлиш лозим, деган эзгу дунёқараш шакилланди. Энг муҳими, Президентимиз томонидан кўрсатилаётган бағрикенглик ва тантилик мамлакатимиз қонунчилигида ҳам ўзининг теран ифодасини топди. Зотан, истиқлол йилларида барча соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам кенг қамровли ислоҳотларни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад ҳам — инсон ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш, жамиятда инсонпарварлик тамойилини кенгроқ қарор топтиришдан иборат. **"Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонуннинг қабул қилиниши жамиятимизда муҳим воқеа бўлди. Мазкур қонун асосида қонунчиликдаги қатор меъёрларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, айримлари янги таҳрирда баён қилинди. Хусусан, Жиноят кодексига бир қатор рағбатлантирувчи меъёрлар қўшилгани бу фикримизнинг яққол исботидир. Улардан бири жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш институти ҳисобланади. Қонунчиликдаги ушбу янги институтни амалиётга жорий этишдан кўзланган мақсад жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга йўл қўймасликдир. Ҳуқуқшуносликда **"жиноятдан қайтишнинг олтин кўприги"** деб аталган ушбу институт бағрикенглик, кечиримлилик ва тантилик каби инсонпарварлик тамойилларига тамоман мослиги билан янада муҳим аҳамият касб этади. Зеро, эндиликда қонунчилик ўз ихтиёри билан жиноят содир этишдан қайтган шахсга имтиёз беради. Аниқроқ айтганда, алдангган ёки адашиб жиноят йўлига кирган шахс жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини ёки жиноят содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларини охирига етказиш мумкинлигини англаган ҳолда тўхтатган бўлса, шунингдек, бирор-бир жиноий оқибат келиб чиқиши мумкинлигини олдини олган бўлса, у жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтган деб ҳисобланади ва жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Кўриниб турганидек, жамиятимизда инсонпарварлик тамойилининг мустаҳкам қарор топишига зарур бўлган шароит тўлиқ яратилган. Бу эса билиб-билмай жиноят оламига кирган одамларга тўғри йўл топиш имкони демакдир. Бундай бағрикенгликдан оқилона фойдаланиш, халқимизнинг меҳр-мурувватидан бенасиб қолмаслик ҳар бир адашган шахсларнинг ўзига боғлиқ. Қолаверса, ҳар қандай рағбат, бағрикенглик киши зиммасига катта масъулият юклайди. Бу масъулият қайта хатога йўл қўймаслик, тўғри йўлдан адашмаслик, умуман айтганда, билдирилган ишончни чуқур англаш, ҳаётдан муносиб ўрин топиш билан оқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг бўлиб ўтди. Унда журналистлар шу йил 30 июль куни Тошкент шаҳрида рўй берган террорчилик ҳаракатлари юзасидан қўзғатилган жиноий иш бўйича олиб борилаётган дастлабки қидирув ишлари билан таништирилди.

Брифингни Бош прокурор Р.Қодиров бошқарди.

Унда шу йил 30 июль куни Тошкент шаҳрида бегуноҳ одамлар қурбон бўлишига олиб келган террорчилик ҳаракатлари тафсилотлари маълум қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўша куни соат 16 дан 42 дақиқа ўтганда Исроил давлатининг Тошкент шаҳридаги Абдулла Қаҳҳор кўчасида жойлашган элчихонасининг қабулхонаси ёнида 30-35 ёшлардаги шахси номаълум эркак томонидан портлатиш қурилмаси ишга солинган. Натижада элчихона биносини қўриқлаб турган Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати ходими, 1979 йилда туғилган Вячеслав Макаров ва элчихонанинг тунги қўриқловчиси 1983 йилда туғилган Азад Саляхов ҳалок бўлди.

Соат 16 дан 45 дақиқа ўтганда эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси биносига киришга уринган 35-40 ёшлардаги шахси номаълум эркак милиция ходими томонидан тўхтатилганда, ёнидаги қўлбола портлатиш қурилмасини ишга солган. Оқибатда икки нафар ички ишлар ва беш нафар прокуратура ходими турли даражада тан жароҳати олган.

Соат 16 дан 50 дақиқа ўтганда Америка Қўшма Штатларининг Чилонзор кўчасида жойлашган элчихонасининг қабулхонасига кириш жойида 25-30 ёшлардаги шахси номаълум эркак томонидан қўлбола портлатиш қурилмаси ёрдамида хунрезлик амалга оширилган. Натижада элчихона биносини қўриқлаб турган милиция ходимлари — 1981 йилда туғилган Ихтиёр Ҳакимов ва 1968 йилда туғилган Иброҳим Норматов оғир тан жароҳатлари билан касалхонага ётқизилган. Кўрсатилган шошилинч тиббий ёрдамга қарамасдан улар вафот этган.

30 июль куни содир этилган террорчилик ҳаракатлари натижасида ҳалок бўлган тўрт нафар фуқаронинг барчаси АҚШ ва Исроил давлатлари элчихоналарининг биносини қўриқлаб турган. Улар ўзларининг мардона ҳаракатлари билан янада аянчлироқ оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган кулфатнинг олдини олиб, ушбу элчихоналарнинг ходимлари ва бошқа бегуноҳ одамларнинг ҳаётини сақлаб қолган. Бош прокуратура биносининг кириш жойидаги портлашда одамлар қурбон бўлмаган. Тан жароҳати олган етти киши ўз вақтида касалхонага жойлаштирилиб, уларга зарур тиббий ёрдам кўрсатилган. Бугунги кунда уларнинг саломатлиги яхши, тўрт нафарига уйга жавоб берилган. Жароҳат олганлар ва ҳалок бўлганлар орасида чет эл фуқаролари йўқ.

Мазкур ҳолатлар юзасидан шу куннинг ўзида Бош прокурор томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг терроризм, икки ва ундан ортиқ шахсни қасддан ўлдириш, портлатиш қурилмасига қонунга хилоф равишда эгалик қилиш учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари билан жиноят иши қўзғатилган.

Жиноят иши тергови Бош прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги ходимларидан иборат тезкор-тергов гуруҳи томонидан олиб борилмоқда.

Бош прокурорнинг маълум қилишича, шу кунгача ушбу жиноят иши юзасидан 1 минг 500 нафарга яқин гувоҳ сўроқ қилинган. Теракт тафсилотлари ва тўпланган тергов материаллари синчковлик билан ўрганилмоқда.

Жиноят иши юзасидан ҳодиса жойидан олинган портлатиш қурилмаларининг таркибий қисмлари ва бошқа ашёвий далиллар бўйича суд-тиббиёт, суд-криминалистика, баллистика, портлаш, техника ва бошқа экспертизалар тайинланган.

Экспертларнинг дастлабки хулосаларига кўра, учала ҳолатда ҳам террорчилар томонидан бир турдаги қўлбола портловчи қурилмалар ёрдамида портлаш содир этилган.

(Давоми учинчи бетда)

Xabar

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

Шу йил 5 август куни Адлия вазирлигида вазир А.Полвон-зода ва Швейцария Конфедерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Петер Буркхард ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда томонларни қизиқтирган бир қатор истиқболли масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, Швейцария Конфедерацияси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида ҳар томонлама манфаатли ҳуқуқий ҳамкорликни кенгроқ йўлга қўйиш ва Конференция томонидан Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг ҳуқуқий ҳимояси борасида таклиф ва мулоҳазалар тингланди. Учрашув якунида ҳуқуқий ҳамкорликнинг келгусидаги аниқ режалари белгилаб олинди.

Россия Федерацияси адлия вазири Ю.Чайканинг таклифига мувофиқ шу йил 20-22 июл кунлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги делегацияси Москва шаҳрида бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ: ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Мазкур ташриф давомида икки тарафлама ҳамкорликни янада кенгайтириш тўғрисида масалалар муҳокама қилинган учрашувлар бўлиб ўтди. 2004 йил 16 июнда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги Битим ва ҳозирги пайтда олиб борилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар жараёни икки мамлакат адлия вазирликларининг тажриба алмашиш мақсадида ўзаро алоқаларини кучайтириш, суд ва жиноий-ижроия тизимини ислоҳ қилиш масалалари бўйича ахборот ва консультация алмашиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни мукаммаллаштириш, миллий қонунчиликни халқаро талаблар даражасига кўтариш зарурлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, Россия томони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, чет эл инвестицияси ва кичик бизнесни ҳимоя қилиш бўлимлари тажрибасини ўрганишга алоҳида қизиқиш билдирди.

Шундан сўнг адлия вазирлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Россия Федерацияси Адлия вазирлиги ўртасида Ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни имзолади. Бундан ташқари, ташриф режасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири А.Полвон-зода билан Россия Федерацияси Олий суди раиси В.М.Лебедев ва Россия Федерацияси Олий суди раиси ўринбосари В.И.Радченко ўртасида бўлиб ўтган учрашувларда ҳам суд-ҳуқуқ ислоҳотлари юзасидан ўзаро фикр алмашинилди.

Ташриф давомида бўлиб ўтган учрашувда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Россия Федерацияси Адлия вазирлиги ўртасида Ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни имзолаш чоғида мамлакатимизнинг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Б. Исломов иштирок этди.

Bugunning gapi

УЙҒОҚ ХАЛҚНИ ЁВУЗЛИК ЕНГА ОЛМАЙДИ

Ҳозирги пайтда дунёдаги хур фикрли, эзгу ниятли инсонларни терроризм балоси ташвишга солаётгани шубҳасиз. Чунки терроризм тинчлик ва осойишталикка хавф солмоқда, бегуноҳ кишилар умрига зомин бўлмоқда.

Тарих шуни кўрсатадики, ҳар қандай давр ва жамиятда тажовузкорлик ҳамда зўравонликка мойил кимсалар мавжуд бўлган. Носоғлом муҳит ва оилада ўсган, ҳаётда ўз ўрнини топмаган кишилар ҳамма замонларда ёвуз ниятли кимсалар тузоғига илинган ва жаҳолат қурбонига айланишган. Шу йилнинг 30 июл куни Тошкент шаҳрида рўй берган террорчилик ҳаракатлари олдингилари билан бир занжирга боғлангани, бу тажовузлар ортида катта маблағ, катта кучга эга бўлган террорчилик марказлардан бошқариладиган экстремистик кучлар борлиги бугун сир эмас.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳақиқат оловга ўхшайди. Асл моҳиятини билганларга у нур бўлиб йўлини ёритади. Бугун ёвузлик йўлига кириб, халқнинг қарғишига қолган олчоқ кимсалар ҳеч қачон ҳақиқатнинг қўзига тик қарай олмайди. Чунки уларнинг қилмиши ёвузликдан иборат. Ёвузликни эса ҳақиқат олови куйдириб, кулга айлантиради.

Биз азалдан маърифатли ва уйғоқ халқмиз. Уйғоқ халқни эса ҳеч бир ёвуз куч енголмайди.

Терроризмга қарши кураш барчамизнинг ватан ва келажак олдидаги бурчимиз, кечиктириб бўлмайдиган масъулиятли вазифамиздир.

Раҳматилла ИБРОҲИМОВ,
Навоий вилояти

Бугунги кунда мамлакатимизда фермер хўжаликлари, умуман айтганда, тадбиркорлик фаолияти ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Улар эркин фаолият кўрсатиши, ўз имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқариши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Шу билан бирга бу борада ҳали ўз ечимини топмаган баъзи бир муаммолар ҳам йўқ эмас. Яқинда Марҳамат туманидаги «Тошматов» фермер хўжалиги бошлиғи Мўминжон Тошматов таҳририятимизга ариза билан кириб келди.

Jurnalist surishtiruvi

АНГЛАШИЛМОВЧИЛИКМИ ЁКИ ХАТО?

— Гапни узоқдан бошлайдиган бўлсам, — дейди у — менга 1995 йили туман ҳокимининг қарори билан 9 гектар ер ажратилган эди. Шу асосда чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этганман. Аммо 1997 йил Умрзоқ Қорабоев номидаги ширкат хўжалиги раиси Мамасиддиқ Мамиталиев томонидан бир гектар ер ўсиб турган буғдойи билан олиб қўйилди. Бу ерни нимага асосан олиб қўйилгани тўғрисида бирон-бир тайинли ҳужжат йўқ. Шундан буён солиқларни, шартнома режаларини 9 гектар ерга тўлаб-тузиб келаман. Ана шу масалани қонунан ҳал этишда ёрдам беришингизни сўрайман.

Шуни айтиш керакки, Мўминжон ака бу масала бўйича ўтган йиллар давомида мутасаддди идораларга, айниқса, ер тузувчиларга бир неча марта мурожаат қилган, аммо улар негадир бунга жиддий эътибор беришмаган, келиб ерни ўлчашса-да, бу ҳақда далолатнома тузишмаган. Бундан ташқари, фермер хўжалиги раҳбари гап орасида ўзидан олиб қўйилган бир гектар ердан ширкат хўжалигининг собиқ раиси Мамасиддиқ Мамиталиевнинг укаси Мамасодиқ Мамиталиев ижарачи сифатида фойдаланаётганини айтиб ўтди.

Биз журналистик текшириши аввалида собиқ раисга учрадик. Мамасиддиқ ака ҳозир Марҳамат туманидаги «Машина трактор парки» акциядорлик жамияти раиси бўлиб ишлаётган экан.

— Менинг ширкат хўжалигига раҳбарлик давримда туман ҳокимининг қарорига асосан «Тошматов» фермер хўжалигига 5-бош пудрат ҳудудидан 9 гектар ер ажратиб берилган, – деди у. — Унга берилган ердан хўжалик ҳисобига ҳеч қандай ер қайтарилган эмас. Фақат фермер хўжалигининг ёнидан қолган ер ширкат хўжалигининг 5-бош пудрати ихтиёрига берилган. Мен бу ерни ушбу бош пудратда ижарачи бўлиб ишлаётган укамга олиб берган эмасман.

Собиқ раис бу фикрларни тасдиқлаб, тушунтириш хати ҳам ёзиб берди.

Шундан сўнг биз Умрзоқ Қорабоев номидаги ширкат хўжалигида бўлиб, хўжалик бошқарувидан қуйидаги маълумотномани олдик: **«Тошматов» фермер хўжалигига 1995 йилда 9 гектар ер ажратиб берилган. 1997 йилда туман ер тузувчи Равшан Мирзаахмедов ва собиқ ширкат хўжалиги ер тузувчиси Аҳмаджон Омонуллаевлар томонидан туман ҳокимининг топшириғига асосан бошоқли донларни ўлчов даврида 1,0 (бир) гектар ер майдони ортиқча экиб олгани сабабли 1,0 (бир) гектар ер майдони қайтариб олинган. Шу қайтариб олинган 1,0 гектар ер майдони Мамасодиқ Мамиталиевга ширкат хўжалиги билан шартнома асосида қишлоқ хўжалиги экинлари экиш учун ажратиб берилган".**

Дарҳақиқат, ширкат хўжалиги билан тузилган шартномага кўра, 2000 йилдан то шу кунга қадар ўша бир гектар ерда ижарачи, собиқ раиснинг укаси Мамасодиқ Мамиталиев деҳқончилик қилиб келаётгани ошкор бўлди. Ердан фойдаланиш учун ижарачига бериш далолатномаси, ижара шартномалари ҳам шуни тасдиқлаб турибди. 2000 йилдан аввалги йилларда тузилган шартномалар билан эса танишишнинг имкони бўлмади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: 1997 йилда фермер хўжалигининг "ортиқча экиб олган" деган баҳона билан бир гектар ери олиб қўйилган экан, демак, фермер хўжалиги тасарруфида 8 гектар ер майдони қолади. Бу ҳақда ширкат хўжалиги бошқаруви берган маълумотномада ҳам аниқ-тиниқ ёзиб қўйилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Jurnalist surishtiruvi

АНГЛАШИЛМОВЧИЛИКМИ ЁКИ ХАТО?

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Наҳотки, 9 дан 1 олиб ташланса, 8 қолишини хўжалик раҳбари-ю, мутахассислари билишмаса?!

Биз журналистик суриштирувимиз давомида «Тошматов» фермер хўжалигининг фойдаланаётган ер майдонини холисона қайта ўлчовдан ўтказиб беришни сўраб, Ер ресурслари Давлат қўмитасининг Андижон вилояти бошқармасига мурожаат қилдик. Шундан сўнг бошқарма мутахассислари томонидан мониторинг йўли билан — энг замонавий геодезик асбоблар ёрдамида ўлчов ўтказилганда, «Тошматов» фермер хўжалигининг умумий ер майдони 8,01 гектар (шундан 0,15 сотих зовур) экани маълум бўлди.

Демак, фермер хўжалиги 1997 йилдан буён зовурни чиқариб ташлаганда, 7 гектару 86 сотих майдондан фойдаланиб келган. Эътибор қилинг, бу умумий ер майдони. Аммо ҳайратда қоладиган жойи шундаки, фермер хўжалиги шартномага биноан, 9 гектар майдони ҳисобидан маҳсулот етказиб беряпти. Шу билан бирга Марҳамат тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан берилган маълумотга кўра, 2001 йил учун 9 гектар ер майдонига 84,1 минг сўм, 2002 йил учун 9 гектар ер майдонига 97,7 минг сўм, 2003 йил учун 9 гектар ер майдонига 117,2 минг сўм ягона ер солиғи тўлаган. Бунинг устига солиқ ўз муддатида ўтказиб берилмаган кунлар учун 39 минг сўм устама жарима ҳам ундирилган.

Энг қизиғи шундаки, 2003 йил декабр ойида ўтказилган текширишда фермер хўжалиги фойдаланилаётган ер майдони туман ер ресурслари бўлими томонидан тақдим этилган маълумотномасига асосан 9,6 гектар кўрсатилгани учун 0,60 сотих ер майдони ортиқча деб, яна қўшимча солиқ олинган. Хўш буни қандай изоҳлаш мумкин?! Марҳаматда ер гоҳ озиб, гоҳ семириб, ёнига, энига кенгайиб турадими?!

Фермер хўжалигининг умумий ер майдони 8,01 гектар (шундан 0,15 сотихи зовур) эканини ер ресурслари вилоят бошқармаси холисона ўлчаб, тасдиқлаб берди. Энди бир неча йиллардан буён қайтариб олинган бир гектар ер учун режа шартнома асосида маҳсулот топширишдан, солиқ тўлашдан, ерни қайта-қайта ўлчатиб, лекин далолатнома ололмай сарсон бўлишдан кўрган моддий ва маънавий зарарни фермерга ким тўлайди? Қачондир, кимдир йўл қўйган хатони ким тузатади?

Яна қизиқ томони шундаки, фермернинг ер майдонида тупроқ унумдорлиги бонитети бир қисмида 61-70 балл, яна бир қисмида 71-80 балл деб кўрсатилган. Туманнинг собиқ ер тузувчиси Ботир Мирзаахмедовнинг 2003 йил 29 декабрда туман Давлат солиқ инспекциясига берган маълумотномасида шундай деб белгиланган. Аслида эса фермер хўжалиги 1999 йил 14 апрелда қайта рўйхатдан ўтган вақтидаги ижара шартномада ерни унумдорлик бали 65 деб кўрсатилган эди. Буни қарангки, фермердан олиб қўйилган, унинг шундоқ ёнбошида, ўқариқнинг у томонидаги уча-си Мамасодиқ Мамиталиев ижара шартномаси асосида фойдаланиб келаётган, ширкат хўжалиги тасарруфидаги бир гектар ернинг тупроқ унумдорлиги 51 балл деб белгиланган. Бу ҳақда 2001 йил 1 ноябрда далолатнома тузилган. Бу фермер хўжалигига чап кўз билан қарашнинг ўзи эмасми?

Бундан аввалроқ Андижон вилояти адлия бошқармаси томонидан "Тошматов" фермер хўжалигининг бошлиғи Мўминжон Тошматовнинг манфаатини кўзлаб киритилган даъво аризаси 2003 йил 13 октябр куни фуқаролик ишлари бўйича Асака туманлараро судида кўриб чиқилган эди. Унда нима бўлган эди дейсизми?

Ушанда туман ҳокимининг 2002 йил 29 августдаги 332-"К" сонли қарорини жойларда бажарилишини таъминлаш, буғдой экилган майдонларни ўрганиб чиқиш, 2003 йилда пахта етиштириш учун экин майдонларининг камайиб кетишининг олдини олиш мақсадида тузилган ишчи гуруҳи "Тошматов" фермер хўжалигида бўлиб, ортиқча деб топилган 0,60 сотих буғдой экилган жойдан 30 сотихи бузилиб, ҳайдаб юборилган эди. Бунинг натижасида фермер хўжалиги 32.667 сўм моддий ва 300 минг сўмлик маънавий зарар кўрди. Суд ушбу моддий ва маънавий зарарларни жавобгарлар Марҳамат тумани шартнома мажбуриятларини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи Акромхон Зиёвутдинов, туман ҳокимлиги бош инспектори Маҳмуджон Ҳамидов, "Ўздаверлойиҳа" институтининг Андижон вилоят филиали мутахассиси Равшанбек Мирзаҳмедов, туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллиги "Маданият" фермер хўжаликлари кооперативи раиси Абдуқодир Абдураҳмоновлардан солидар тартибда ундириб бериш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилган эди.

Ушбу ҳал қилув қарори юзасидан шу йил 11 феврал куни фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судининг апелляция инстанцияси ажрим чиқариб, қарорни ўзгаришсиз қолдиради.

Судларнинг ушбу қарорлари юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Асака туманлараро суди томонидан ижро варақалар чиқарилиб, 191-сонли чиқим хати билан шу йилнинг 8 апрел куни Марҳамат туман суд ижрочиларига жўнатилган. Афсуски, суд қарорлари ҳалигача ижро этилгани йўқ.

Буни қарангки, сув хўжалиги мутахассисларининг билдиришномасидаги фикрларга кўра, фермер хўжалигига ажратилган ер майдонлари атрофидаги зовурларнинг ҳолати қониқарсиз. Йилнинг июн-июл ойларида ер ости сувларнинг кўтарилиши ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деб шу йилнинг бошида айтишган эди. Фермернинг аризаси-ю, мутахассиснинг фикри эътиборсиз қолиб кетди. Мана ҳозир ер ости сувлари кўтарилиб, унинг ғўзаларга салбий таъсири яққол сезилиб турибди, кўчатлар сийрак, авжи паст. Бироқ фермер М.Тошматов бу муаммоларга ўралашиб қолиб, фаолиятини тўхтатиб қўйгани йўқ, балки астойдил меҳнат қиляпти. Марҳамат туман статистика бўлими томонидан берилган маълумотга кўра, яна ўша 9 гектар ҳисобига 2001-2003 йилларда уч йилда ўртача ҳар гектаридан 42,4 центнердан буғдой, 41,2 центнердан пахта етиштирган.

Бу тадбиркорнинг ўз ишига садоқатидан далолат. Фақат юқорида баён этилган муаммони ҳал этиш, кимдир бир пайтлар кўр-кўрона йўл қўйган хатони тузатиш унинг оворагарчилигига сабаб бўлмоқда.

Ўйлаймизки, мутасаддилар бу масалага жиддий эътибор қаратишади ва у ўзининг ижобий ечимини топади.

Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Faoliyat

ИЖРО САМАРАДОРЛИГИ ОШМОҚДА

Албатта, ҳаётда суд ҳукми, қарор ва ажримлари ҳамда бошқа органлар ҳужжатлари ижроси тўлиқ амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ижро тизими суд-ҳуқуқ соҳасининг энг муҳим бўғини ҳисобланади. Кейинги йилларда мамлакатимизда айни тизимни такомиллаштириш, ижро самарадорлигини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

— Ижро жараёнида амалга оширилаётган ишлар бу борадаги ислоҳотларнинг нечоғли тўғрилигини кўрсатяпти, – деди Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти директори ўринбосари Баҳодир Янгибоев. — Тақдим этилаётган ҳужжатлар ижросининг ўз вақтида якунига етказилишига жиддий эътибор қаратилаётгани давлат, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар манфаати ҳимояси таъминланишида муҳим омил бўлаётир.

Жорий йилнинг биринчи ярмида Республика суд ижрочилари бўлинмаларига 358 мингга яқин ҳужжат келиб тушди. Уларга асосан ундирилиши лозим бўлган пул маблағи миқдори 191,5 миллиард сўмни ташкил этади. Амалга оширилган изчил чора-тадбирлар натижасида улардан 80,7 фоизининг ижроси тўлиқ таъминланди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17,7 фоиз кўп демакдир.

Айниқса, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи ундирувлар, хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлаш бўйича самарали натижаларга эришилди.

Суд ижрочилари фаолиятининг ҳуқуқий негизини ташкил этувчи **"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги қонун талаби асосида мажбурий ижро билан боғлиқ фаолият механизми ишлаб чиқилгани ижро иши самарадорлигида катта аҳамият касб этяпти. Қонуннинг 82-моддасида ижро ҳужжати талабини ихтиёрий равишда бажармаганлик учун жавобгарлик масаласи киритилгани ҳамда мажбурий ижро чораларини қўллаш амалиёти йўлга қўйилгани ижронинг белгиланган муддатда тўлиқ якунланишини таъминламоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА,
журналист

Dakki

ТЕНДЕР ТАЛАБИ – ХОЛИСЛИК

Ҳужжатларни юритишда чалкашликка йўл қўйиш охир-оқибат турли хил можароларни келтириб чиқариши турган гап. Қуйидаги воқеа ҳам бунга мисол бўлади. Энг ёмони, бу можаро айнан ишга бепарволик ва масъулиятсизлик туфайли келиб чиққани кишини таажжубга солади.

Гап шундаки, ўтган йили Сирдарё туманидаги "Соҳил" ширкат хўжалиги қайта ташкил этилиб, фермер хўжаликларига айлантириладиган бўлди. Бунинг учун ширкат хўжалиги қайта ташкил этиш ва тендер комиссиялари тузилди. Сирдарё тумани ҳокимининг 2003 йил 13 февралдаги қарорига асосан "Соҳил" ширкат хўжалигининг барча майдонлари йўқламадан ўтказилиб, мавжуд фермер хўжаликларидан қолган собиқ "Соҳил" ширкат хўжалигининг 1048,2 гектар ерини фермер хўжаликларига бўлиб бериш тўғрисида 30 та лойиҳа тайёрланди. Шунингдек, лойиҳада маҳаллий ҳокимият ихтиёрида қоладиган ер майдони ҳам кўзда тутилди. Жумладан, 67-71 контурлардаги 27,2 гектар ер сув хўжалиги ҳисобига лойиҳалаштирилиб, ҳокимият ихтиёрида қолдирилган ва тендер танловига киритилмаган. Шундай бўлса-да, туман ҳокимининг 2003 йил 19 февралдаги 300-қарори билан "Соҳил" хўжалигини қайта ташкил этиш ва тендер танлови ўтказиб туман комиссиясининг 2003 йил 15 февралдаги баённомаси тасдиқланиб, "Соғишмон" фермер хўжалиги раиси А.Ҳасановнинг қўшимча ер ажратиш тўғрисидаги берган аризаси қаноатлантирилган. Яъни фермер хўжалигига 68-71 контурлардан 27,2 гектар ер ажратиб берилган ва жами ер майдони 47,2 гектарга етказилган. Қизиқ томони шундаки, фермер хўжалиги раҳбарининг аризаси тендер комиссиясига эмас, балки туман ҳокими номига ёзилган эди. Бунинг устига бу ер сув хўжалигига лойиҳалаштирилган бўлиб, у тендер танловига қўйилмаган. Бироқ туман ҳокимлиги мутаассидлари ер ресурслари хизмати масаланинг бу томонига мутлақо эътибор беришмаган.

Туман қайта ташкил этиш комиссияси котиби этиб ширкат хўжалиги бош иқтисодчиси С. Юсупов тасдиқланган бўлсада, ўша баённомада У.Эргашев фамилияси кўрсатилган. Бундан ташқари, баённомада 66 та ариза тушганлиги кўрсатилса-да, аслида 41 та ариза мавжуд. Айни бир вақтда "Жумақул" фермер хўжалиги раиси Б.Мавлонов 71-контурдаги ер майдонини ажратиш тўғрисида тендер комиссиясига ариза берган. Ваҳоланки, ушбу ер майдони тендерга қўйилмаган. Шундан келиб чиқиб, вилоят хўжалик суди "Жумақул" фермер хўжалиги раҳбарининг туман ҳокимининг 2003 йил 19 февралдаги "Соғишмон" фермер хўжалигига ер ажратиш тўғрисидаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси асоссиз деб топилиб, қаноатлантиришни рад этди.

"Соғишмон" фермер хўжалигининг Сирдарё тумани ҳокимининг 2003 йил 19 февралдаги 300-сонли қарорига асосан Сирдарё тумани ҳокими билан туман ер ресурслари хизматини фермер хўжалиги билан ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасини тузишга мажбур қилиш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги даъво талабларини суд асосли ва қонуний деб ҳисоблаб, қаноатлантирди. Чунки "Соғишмон" фермер хўжалиги раҳбари А.Ҳасановнинг фермер хўжалигига қўшимча равишда яна 28 гектар ер ажратиб бериш тўғрисида Сирдарё тумани ҳокимига 2003 йил 3 февралдаги ёзган аризаси туман ҳокимиятида 2003 йил 5 февралдаги 06-221 рақами билан қайд этилган ва туман ҳокими А.Синдоров аризани комиссияда муҳокама қилиб, таклиф бериш учун ҳокимнинг биринчи ўринбосари Х.Раззоқовга топширган. Ушбу ариза туман деҳқон-фермер хўжаликлари билан ишловчи доимий комиссиясининг 2003 йил 17 февралдаги хулосаси асосида кўриб чиқилиб, туман ҳокимининг 2003 йил 19 февралдаги қарори билан "Соғишмон" фермер хўжалигига "Соҳил" ширкат хўжалиги ҳудудидан 10 йил муддатга фойдаланиш учун қўшимча равишда 68-72 контурлардан жами 27,2 гектар умумий ер майдони, ундан 21,2 гектар мелиоратив ҳолати яхшиланадиган ерлар, 3,6 гектар бўш ерлар, 1,5 гектар яйлов, 0,9 гектар сув остидаги ерлар ижарага берилган. Шу қарорга асосан фермер хўжалигининг жами ижарадаги умумий ер майдони 47,2 гектар қилиб белгиланган ҳамда "Соғишмон" фермер хўжалиги раҳбари ҳамда туман ер ресурслари хизмати бошлиғига 10 кун муддат ичида ер ижара шартномасини расмийлаштириш ва ерга бўлган ҳуқуқни белгиланган тартибда юклатилган.

Бироқ ушбу қарорга мувофиқ, Сирдарё туман ер ресурслари хизмати "Соғишмон" фермер хўжалиги билан қишлоқ хўжалиги корхонасини фермер хўжаликларига айлантиришда ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасини ва ер участкаси чегаралари тарҳини ижарага берувчи Сирдарё туман ҳокими А.Синдоров номидан ва яна фермер хўжалигига ажратилган ер участкасининг тарҳини ижарага берувчи Сирдарё тумани ҳокими вазифасини бажарувчи Х.Раззоқов номидан расмийлаштириб, туман ҳокимига имзолаш ва муҳр қўйиш учун тақдим этишган бўлса-да, лекин ҳар иккала шартнома ҳам туман ҳокими томонидан имзоланмаган ва муҳр қўйилмаган. Бу шартномалар туман ер ресурслари хизматида давлат рўйхатига олинмаган.

Ваҳоланки, Ер кодексининг 35-моддасига мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари давлат рўйхатига олиниши керак. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш зарур ҳужжатлар келиб тушган пайтдан эътиборан 10 кунлик муддат ичида маҳаллий давлат ҳокимияти идораси томонидан амалга оширилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатига олингани тўғрисида рўйхатга олинган сана ва тартиб рақами кўрсатилган ҳолда гувоҳнома берилади. Олий Хўжалик суди Пленумининг 2004 йил 12 мартдаги 115-қарорининг 11-бандига асосан маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарорининг ўзигина ер участкасига бўлган ҳуқуқни вужудга келтирмайди. Ер кодексининг 31-моддасига мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан ер участкаларининг тарҳлари (чизмалари) ва тавсиялари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади.

Лекин Сирдарё тумани ҳокими қонуннинг ушбу талабларини ҳамда ўзи томонидан 2003 йил 19 февралда қабул қилинган 300-сонли қарорининг ижросини сабабсиз таъминламаган ва суньий равишда низоли ҳолатни вужудга келтириб чиқарган. Бунинг устига низони ўз ваколати доирасида ҳал этиш ўрнига уни судгача бориб етишига йўл қўйган.

Мазкур хўжалик низосини кўриб чиқишда Сирдарё тумани ҳокимлиги ва туман ер ресурслари хизмати масъул мансабдор шахслари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги **"Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлар тўғрисида"**ги ҳамда 2003 йил 22 январдаги **"Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорлари ва Сирдарё вилояти ҳокимининг 2003 йил 25 январдаги 23-2сонли қарорига асосан "Соҳил" ширкат хўжалигини тугатиб, унинг негизида фермер хўжаликларини ташкил этишда, фермер хўжалигига ер участкаларини ажратиб беришда қайд этиб ўтилган ҳукумат қарорлари ва Ер кодексининг 32,53 моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300 қарори билан тасдиқланган **"Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини фуқароларга узоқ муддатли ижарага бериш Тартиби"** талабларига тўлиқ риоя этилмаганлиги, ер участкасининг чегараларини жойнинг ўзида ва хариталарда дастлабки тарзда белгилаш, ажратиб бериш учун ер участкаси танланган вақтда уни бериш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар амалга оширилиши ҳамда ер участкасининг тарҳи ва тавсифини тузиш, жойнинг ўзида унинг чегараларини белгилаш ишлари ер тузиш хизмати идоралари томонидан бажарилиши ва маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари томонидан тасдиқланиши белгиланган бўлса-да, ушбу йўл қўйилган камчилик ва хатоларни бевосита жойида дарҳол ҳал этиш ўрнига низони судгача етказиб келгани аниқланганди.

Қайд этилган қонунбузилиш ҳолатлари Сирдарё тумани ҳокимлиги ва туман ер ресурслари хизматининг раҳбарлари ва масъул мутахассис ходимлари томонидан ўз вазифаларига ўта эътиборсизлик ва масъулиятсизлик билан муносабатда бўлгани оқибатида келиб чиққан.

Сирдарё тумани ҳокимлиги ва ер ресурслари хизмати мансабдор шахслари томонидан йўл қўйилган камчилик ҳамда қонунбузилишлар тўғрисида суд томонидан ажрим чиқарилиб, вилоят ҳокимлигига маълум қилинди. Ўйлаймизки, бу ҳолат вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги, ер ресурслари хизмати ва туман ҳокимлиги мутасаддилари ўртасида муҳокама этилади ҳамда бундай ҳолатларга зудлик билан чек қўйилади.

Исроил ҚУРБОНОВ,
Сирдарё вилояти

Saboq

БАҲОНА ТОШ БОСМАЙДИ

Жондорлик Зуфар Тошев хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида банкдан кредит олди.

"Саноатқурилишбанки"нинг Тўқимачилик филиали билан Зуфар Тошев ўртасида 2001 йил 26 июлда 34-сонли шартнома тузилиб, унга асосан Зуфар Тошевга 1 миллион 900 минг сўм кредит ажратилди.

Маълумки, банк томонидан берилаётган кредит маблағларини ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш мақсадида эҳтиёт чоралари кўрилади. Кафиллик ана шундай чоралар сирасига киради.

Фуқаролик кодексининг 292-моддасига мувофиқ, кафиллик қарздор ва кафил ўртасида банк фойдасига ёзма шаклдаги кафиллик шартномаси билан расмийлаштирилади. Кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс мажбуриятини тўлиқ ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади. Шу сабабли кафиллик шартномаси консенсуал ва бир томонлама шартнома ҳисобланади. Агар кредит шартномасининг алоҳида бир бандида кафиллик белгиланса, у ҳолда шартнома кредитор, қарздор ва кафил томонидан имзоланиб, тасдиқланиши шарт.

2001 йил 26 июлда кредит маблағининг қайтарилишини таъминлаш мақсадида "Бухоросаноатвентиляция" шўъба корхонаси, банк ва тадбиркор Зуфар Тошев ўртасида уч томонлама кафиллик шартномаси тузилади. **"Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида"**ги Низомнинг 5,6 бандларига амал қилиниб, кафиллик шартномаси асосида ҳужжатлар расмийлаштирилади. Аслида тадбиркор Бухоро шаҳрида "Бухоросаноатвентиляция" корхонаси борлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Банк кредит бўлими ходимлари "жонбозликлари" туфайли кафиллик шартномаси тузилади.

Кредит шартномасининг шартлари бўйича кредит миқдори ва банк фоизлари тадбиркор томонидан 2004 йил 24 январ куни қайтарилиши лозим эди. Бироқ Зуфар Тошев шартнома шартларига амал қилмади. Банк кафиллик шартномасига асосан кредит маблағи ва банк фоизи бўлган жами 2.275.744 сўмни кафил "Бухоросаноатвентиляция" шўъба корхонасидан ундиришди. Шундан сўнг корхона директори Николай Зубов Бухоро вилояти хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, Зуфар Тошевдан 2.275.744 сўм қарз қийматини ундиришни сўрайди.

Шу ўринда даъвогар ҳақми, деган табиий савол туғилади.

Бунга жавобан шуни айтиш лозимки, кафиллик билан таъминланган мажбурият бекор бўлгач, шунингдек, мазкур мажбурият кафилликни розиликсиз жавобгарликнинг ошишига ёки унинг учун бошқа ноқулай оқибатларга олиб келадиган тарзда ўзгартирилган тақдирда кафиллик бекор бўлади. Даъвогар кафиллик шартномасининг 5.3 бандига асосан тўланган кредит ва банк фоизларини ундириш талабини тўғри қўйган.

Фуқаролик кодексининг 295-моддасига биноан мажбуриятни бажарган кафилга кредиторнинг ушбу мажбурият бўйича ҳуқуқлари ҳамда гаровга олувчи сифатида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқлар кафил кредиторнинг талабини қанча ҳажмда қаноатлантирган бўлса, шунча ҳажмда ўтади. Кафил кредиторга тўланган маблағга фоизлар тўлаши ва қарздор учун жавобгарлик муносабати билан кўрган бошқа зарарини тўлашни қарздордан талаб қилишга ҳақли.

— Банкдан кредит ажратилгач, мен тумандаги "Нурато" тайёрлов савдо масъулияти чекланмаган жамият билан шартнома тузиб, унинг ҳисоб рақамига 1.900.000 сўм маблағ ўтказдим. Бу жамиятдан 16-сонли юк хати орқали ўн бош қорамол олдим. Банк кредит бўлими нозири И.Йўлдошев кредитнинг мақсадли йўналтирилганини текширганида бунга гувоҳ бўлди, — деди очиқ суд мажлиси чоғида жавобгар Зуфар Тошев. — Ойма ой банк фоизларини тўлаб борганман. Қорамоллар касаллиққа чалиниб, нобуд бўлди. Шунинг учун кредит маблағи ва фоизларини қайтар олмадим. Даъвогарнинг даъво талабини тан оламан. Қарз қийматини тўлаш учун менга вақт беришингизни сўрайман.

Жавобгар баҳона тош босмаслигини англаб етди. Суд "Бухоросаноатвентиляция" шўъба корхонаси фойдасига Зуфар Тошевдан 2.275.744 сўм миқдоридаги асосий қарзни ва 50.175 сўмлик суд харажатлари ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини қабул қилди.

Шу тариқа кафил ўз ҳақ-ҳуқуқларини суд жараёнида тўлиқ ҳимоя қила олди. Чунки кафиллик щартномаси қонун талаблари доирасида, муҳим шартлар бўйича келишувга эришилган тарзда қабул қилинган.

Мустафо ЖЎРАЕВ,
ҳуқуқшунос
Валижон ЮСУПОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Qonun ko`magi

Жиззах вилоятида шу йил 11 марта қабул қилинган "Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Фармони бажарилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки мамлакатимизда аграр соҳа ислоҳотлари барқарорлиги қонунлар ижросини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ.



ЕР ҚАДРИ

Вилоятда ердан мақсадсиз фойдаланиш, талон-тарож қилиш, белгиланганидан бошқа экинларни экиш ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида адлия, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамжиҳатликда фаолият олиб бормоқда. Яқинда вилоят адлия бошқармаси ходимлари Мирзачўл тумани прокуратураси билан ҳамкорликда туманда мониторинг ўтказишди. Ўрганиш чоғида айрим қонунбузарлик ҳолатларига дуч келинди. Хусусан, тумандаги "Ўзбекистон" агрохизмат маркази раиси ва "Дон-Ариқ" фермер хўжалиги раҳбари лавозимида ишлаб келган Ш.Турсунов ердан фойдаланиш шартлари ҳамда уни муҳофаза қилиш талабларини қўпол равишда бузгани маълум бўлди. У фермер хўжалигининг пахта экилиши лозим бўлган 8,5 гектар ер майдонини фуқаро Қ.Қўшмуродовга 1 миллион 600 минг сўмга қовунтарвуз экиш учун сотиб юборган.

"Мирзачўл" агрохизмат маркази собиқ раиси В.Рисбеков мансаб курсисида ўтирган пайтда давлат заҳирасида бўлган 15 гектар ерни сотиш мақсадида пахта ва ғалла экиш туман режасига киритмаган. У шу йилнинг январ ойида Сирдарё вилоятидан келган фуқароларга ҳар гектар ерни 300 минг сўмдан сотишга келишган ва улардан 2 миллион сўм нақд пул олиб, ўз эҳтиёжига ишлатиб юборган.

Текшириш чоғида "Янглиш ая" фермер хўжалиги раҳбари М.Гулмуродов ҳам режа бўйича 2004 йил ҳосили учун чигит экилиши лозим бўлган 12 гектар ер майдонини қариндоши У.Қўлтоевга сотгани аён бўлди. Худди шундай ер қонунчилиги талабларининг бузилишига Ж.Абдуқодиров раҳбар бўлган "Рауфбек" фермер хўжалигида ҳам йўл қўйилган.

"Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг 12-моддасида **фермер хўжалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади, улар хусусийлаштирилиши, олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши, шунингдек, иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас,** деб қайд этилган. Лекин бу ерда қонуннинг ушбу талаблари қўпол равишда бузилган. Шу боис вилоят адлия бошқармаси "Дон-Ариқ", "Янглиш-ая", "Рауфбек" фермер хўжаликлари билан туман ҳокимлиги ўртасида ерни узоқ муддатга ижарага бериш ҳақида тузилган шартномаларни бекор қилиш тўғрисида Мирзачўл туман ҳокими М. Анорбоев номига тақдимнома киритди.

Халқимизда "Эр киши ер сотмайди, ер сотган эл бўлмайди" деган пурмаъно нақл бор. Унинг мазмунига тушуниб етмаган кимсалар энди қонун олдида жавоб бериши тайин.

Мирзабек ЁҚУБОВ,
ҳуқуқшунос
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Пудратчи Ҳалимжон Холбобоев ўтган йилнинг биринчи август куни Чуст туманидаги "Ахча" ширкат хўжалиги билан 411-сонли ички хўжалик шартномасига имзо чеккан эди. Шартнома шартига мувофиқ пудратчи ўз зиммасига 6,5 гектар ер майдонида 30,5 тонна бошоқли дон етиштириш мажбуриятини олади. Ҳосилдорлик гектар бошига 47 центнердан белгиланади. Пудратчи ўз ёнига бутун оила аъзоларини жалб этди. Ердан бир текис буғдой майсалари ундириб олинди.

ПУДРАТЧИ ҲУҚУҚИ ТИКЛАНАДИ

Кузнинг изғиринли шамоллари, қишнинг совуқ кунларида ҳам буғдой парвариши бўшаштирилмади. Экинга белгиланган миқдордаги минерал ўғитдан ташқари маҳаллий ўғит ҳам солинди. Экин майдонидан ўсиб чиққан ёввойи ўтлар юлиб ташланди. Хуллас, пудратчилар яхши ниятда астойдил меҳнат қилишди. Натижа ёмон бўлмади. Режадаги 30,5 тонна ўрнига 37,7 тонна буғдой етиштиришди. Бундан пудратчиларнинг кўнгли тоғдай кўтарилди. Чунки 411-сонли шартноманинг 2-бандида "Ғалла етиштирувчи хўжалик пудратчига шартномада белгиланган миқдордан ортиқча етиштирилган маҳсулотни натура ҳолда тўлиқ бериши шарт" деб кўрсатиб қўйилганди. Бироқ пудратчилар чўчварани хом санашган экан. "Ахча" ширкат хўжалигининг мусаттади раҳбарлари 411-сонли шартноманинг бандларини қўпол равишда бузишди. Оилавий пудратчига 5040 килограмм буғдой беришди-да, натура ҳолида берилиши лозим бўлган 2160 килограмм буғдойни эса ҳотамтойларча ўзга кишиларга тақсимлаб юборишди. Хўжалик мутасаддиларининг бу ҳотамтойлиги кимларгадир маъқул келгандир, аммо оилавий пудратчиларга анчагина моддий зарар етказди. Пудратчига берилмаган 2160 килограмм ғалланинг ҳар бир килограмми ҳозирги кундаги бозор баҳоси 150 сўмдан ҳисобланганда жами 324000 сўмни ташкил этади. Кўриниб турибдики, оилавий пудратчиларга ана шунча миқдорда зиён етказилган. Пудратчи Ҳ.Холбоев билан тузилган шартномада томонларнинг мулкий жавобгарлиги назарда тутилмаган бўлса-да, **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонуннинг 25 ва 32 моддаларида шартномаларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги белгилаб қўйилган. Мазкур қонуннинг 32-моддасида тарафларга маҳсулотни ёки унинг ҳақини тўламаганлик учун тўланмаган маблағнинг 0,4 фоиз миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов маблағнинг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдордаги устама тўлаш лозимлиги қайд этилган. Шунга асосан "Ахча" ширкат хўжалиги оилавий пудратчи Ҳ. Холбобоевга топширилмаган маҳсулотни натура ҳолида ёки уни бозор баҳосидаги қийматини тўламагани учун кечиктирилган ҳар бир кунга тўланмаган маблағнинг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов маблағининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима тўлаши лозим.

Яқинда Наманган вилояти адлия бошқармаси фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро судига даъво аризаси киритди. Суд мажлисида пудратчи Ҳ.Холбобоевдан ташқари яна 7 нафар пудратчининг 10.260 килограмм буғдойини ундириб бериш масаласини ҳам кўриб чиқилади. Демак, тез орада пудратчиларнинг ҳуқуқи тикланади.

Анваржон ТУРСУНОВ,
ҳуқуқшунос
Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Qonun dastagi

Huquqiy ma`rifat

БИТИМЛАР ТУРИ ВА МОҲИЯТИ

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорликни ривожлантириш, фуқаролар ва юридик шахслар иштирокидаги мулкий муносабатларни тартибга солишда битимлар муҳим аҳамиятга эга. Битим деганда юридик аҳамиятга эга бўлган ва муайян юридик оқибатларни вужудга келтиришга қаратилган ҳаракатлар назарда тутилади.

Мамлакатимиз қонунчилигида фақат истеъмол хусусиятига эга бўлган маҳсулот ва ашёлар эмас, балки ишлаб чиқариш қурол-аслаҳаларини эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш учун ҳам битимлар тузилиши белгилаб қўйилган. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 1-моддаси 3-қисмига биноан битимларнинг объекти бўлган товарлар, хизматлар кўсатиш ва маънавий маблағлар мамлакатимиз бутун ҳудудида ҳаракатда бўлади. Бу эса битимларнинг тадбиркорлик фаолиятининг барча соҳаларида, шунингдек, тадбиркорлик билан боғлиқ бўлмаган мулкий муносабатларнинг вужудга келишида ҳам эркин ва кенг миқёсда тарқалган юридик фактлардан иборат эканини кўрсатади. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, қонунда назарда тутилган ҳолларда битимларни қўлланиши чекланган бўлиши ҳам мумкин. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 1-моддаси 4-қисмига мувофиқ жамиятнинг хавфсизлигини таъминлаш, инсонларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш, табиатни ва маданий бойликларни муҳофаза қилиш учун зарур бўлса, қонун ҳужжатларига мувофиқ товарлар ва хизматларни ҳаракатда бўлиши билан боғлиқ бўлган битимларни тузишни чеклаш жорий этилади.

Битим тузиш ва унинг асосида вужудга келадиган ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни амалга оширишда фуқаролик ҳуқуқига оид қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилиш лозим. Фуқаролик кодексининг 9-моддаси 3-қисмига кўра, битимга асосан вужудга келган ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширишда бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Чунки мулкий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши учун асос бўладиган юридик фактлар ичида битимлар алоҳида ўрин эгаллайди ва ўз хусусиятларига кўра юридик оқибатларни келтириб чиқарувчи ҳодисалардан (ёнғин, зилзила, одам туғилиши, ўлим ва ҳоказо), яъни ўхшаш юридик фактлардан фарқ қилади.

Юридик ҳаракатлардан иборат бўлган битимлар қонунчиликда элементлар ва шартлар билан ифодаланади. Битим субъектлари, уларнинг эрки ва бу эркни ифода этиши, битимнинг шакли ва мазмуни битим элементи дейилади. Битимнинг шартлари деганда унинг қонунга мос бўлиши, битим тарафларининг муомала лаёқатига эга бўлиши, эрк билан уни баён этилиши бир-бирига мувофиқ бўлиши, битимнинг қонунда белгиланган шаклда тузилган бўлиши лозимлиги тушунилади. Битимнинг элементлари билан шартлари бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалардан иборат.

Битим бир тарафлама бўлса, уни ўз эркини ифода этиб тузган шахс учун бурчлар келтириб чиқаради. Икки тарафлама, уч ёки ундан кўп тарафлама битимда (шартномада) унинг тарафларининг эрки, хоҳиши тегишли шаклда (оғзаки, ёзма, нотариал тартибда тасдиқланган) ифода этилган бўлиб, уларда қатнашган тарафлар учун тегишли ҳуқуқ ва бурчлар намоён бўлади.

Қонунга зид равишда тузилган, ҳуқуқ-тартибот ва ахлоқ қоидалари асосларига қарши бўлган битимлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Ҳақиқий эмас деб ҳисобланган битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган ва низоли битимларга бўлинади. Қонунчилик талабига кўра низоли битимнинг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслиги исботланиши, қолаверса, суд орқали аниқланиши лозим. Ҳақиқий бўлмаган битимнинг ҳақиқий эмаслигини исботлаш шарт эмас. Низоли битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабни унинг тарафлари қўйишлари мумкин бўлса, ҳақиқий бўлмаган битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талабни ҳар қандай манфаатдор шахс қўйиши мумкин.

Ҳақиқий эмас деб ҳисобланган битимнинг асосий маъноси шундан иборатки, унинг асосида, яъни шаклида бажарилган ҳаракатлар фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келишига, ўзгаришига ва бекор бўлишига олиб келмайди. Лекин бундай ҳақиқий бўлмаган битим ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келмас экан-да, деган хулосага келиш мумкин эмас. Ҳақиқий бўлмайдиган битимни тузиш қонунчиликда ғайриқонуний ҳаракат деб ҳисобланади ва муайян салбий оқибатлар келтириб чиқариш учун сабаб бўлади.

Низоли битим суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилгунга қадар ҳаракатда бўлади. Агар бундай битим суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилса, у тузилган вақтдан эмас, балки суд бу ҳақда қабул қилган қарордан кейинги вақтга амал қилиши мумкин.

Битимларнинг нотариал тартибда тасдиқланиши, шунингдек, битим бўйича ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтишининг давлат рўйхатидан ўтказилиши қоидаси жамият аъзолари учун ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг асосий манбаи ҳисобланган ва муҳим аҳамиятга эга бўлган объектларга нисбатан қўлланилади. Ушбу объектларнинг мавжудлигини, мол-мулк эгаларининг ҳуқуқ ва бурчларини давлат қонун билан белгилайди ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади.

Муҳим объектлар, масалан, кўчмас мол-мулк ҳисобланган уй-жой, бино, иншоот, корхона ва шунга ўхшаш объектлар билан боғлиқ битимлар (олди-сотди, ижара, ҳадя, мерос, гаров ва ҳоказо)ни тузиш тартиби ва шартномаларнинг шаклини тегишли равишда қонун билан белгилаш жамиятда мулкий муносабатларни тўғри тартибга солиш учун хизмат қилади.

Қонун билан белгиланган ёки бундай тартибда тузиш ҳақида унинг тарафларидан бири талаб қўйган бўлса, бундай битим, албатта, нотариал тартибда тасдиқланади.

Давлат рўйхатидан ўтказиладиган ва нотариал тартибда тасдиқланадиган битимлар турли шаклларда бўлади. Давлат рўйхатидан ўтказиш фақат қонунда назарда тутилган кўчмас мол-мулк билан боғлиқ битимларга нисбатан татбиқ этилади. Нотариал тартибда асосан кўчар мол-мулк билан боғлиқ битимлар ва қонунда махсус назарда тутилган ҳолларда кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар ҳам тасдиқланиши мумкин. Давлат рўйхатидан ўтказишда эса кўчмас мол-мулкка бўлган эгалик ҳуқуқининг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтганлиги гувоҳлантирилади.

Агар давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битимлар ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бири уни рўйхатдан ўтказишдан бош тортса, суд иккинчи тарафнинг талаби бўйича битимни рўйхатдан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Битимни нотариал тасдиқлаш ёки давлат рўйхатидан ўтказишдан асоссиз равишда бош тортган тараф иккинчи тарафга битимни тузмалик ёки кечиктириш натижасида келиб чиққан зарарни қоплаши лозим.

Фаррух ЖАЛОЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Фойдаланилган портлатиш қурилмаларининг қуввати 1-1,5 кг тротил эквивалентига тенг. Портлаш вақтида улар террорчиларнинг ёнидаги тахминан 25х35 сантиметр ҳажмли қора рангли сумкада бўлган.

Ҳозир терговнинг асосий вазифаларидан бири террорчиларнинг шахсини аниқлашдир. Шу мақсадда терговга Адлия вазирлигининг Илмий-тадқиқот криминалистика маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Суд-тиббиёт экспертизалари бош бюроси, Ички ишлар вазирлигининг Эксперт-криминалистика бўлими ва Портлаш-техника илмий-эксперт марказий лабораторияси мутахассислари жалб этилган.

Бугунги кунда тергов икки террорчининг шахси ҳақидаги етарли маълумотларга эга. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам хорижий давлатлар фуқаролари экани аниқланган. Бироқ, тергов манфаатини кўзлаб уларнинг шахси ҳақидаги маълумотлар ошкор этилмайди.

Портлашдан сўнг учинчи террорчининг танасидан қолган бўлаклар бўйича экспертиза текшируви, жумладан, ДНК бўйича текширув давом этмоқда.

Дастлабки терговда июлда содир этилган портлашлар шу йил март-апрель ойларида Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятларида амалга оширилган портлашлар билан бевосита алоқадорлиги, ушбу террорчилик ҳаракатлари республикамиз ташқарисида жойлашган ягона марказ томонидан бошқариб, мувофиқлаштириб турилган жиноий уюшманинг бир ҳалқаси эканлиги ҳақида етарли маълумотлар тўпланди.

Терговнинг инкор қилиб бўлмайдиган маълумотларига кўра, уларнинг ортида халқаро радикал-экстремистик уюшмалар, жумладан, «Ҳизб-ут-Таҳрир» диний-экстремистик оқими турибди. Шу йилнинг баҳорида ва 30 июль куни содир этилган портлашларга алоқадор барча террорчилар айнан шу ташкилотнинг аъзоси бўлганлигини жиноят иши ҳужжатлари ва жиноятчиларнинг судда берган кўргазмалари тасдиқламоқда.

Ушбу террорчиликларни содир этган жиноий уюшманинг барча ташкилотчилари, далолатчилари ва бошқа иштирокчиларини аниқлаш ҳамда жиноий жавобгарликка тортиш борасида зарур тезкор-тергов чоралари кўрилмоқда.

Брифингда Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари В.Норов қатнашди.

Беҳзод НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири

Yangilik va tashabbus

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ИШЧИ ГУРУҲЛАР ҲАҚИДА

Мамлакатимизда адлия идоралари зиммасига қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш вазифаси юкланган.

Ҳар қандай мураккаб муаммоларни ҳал қилиш ҳақида қонунчиликни такомиллаштиришда илм-фан ютуқлари ва хориж тажрибаларидан самарали фойдаланиш зарурлигини тўғри англаган вазирлик раҳбарияти тизимга янгича иш услубларини жорий этмоқда. Назарияни амалиёт билан уйғунлаштириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, вужудга келаётган муаммоларни таҳлил этиш йўли билан қонуний ҳал қилиш ҳамда вазирлик тизимидаги ходимларнинг касб маҳоратларини ошириш мақсадида Адлия вазирининг 2000 йил 18 декабрдаги 71-ум-сонли буйруғи билан вазирликда бир неча қонунчилик тармоқлари бўйича ишчи гуруҳлари ташкил этилган эди. Гуруҳлар таркибига вазирлик тизимидаги идоралар ходимлари ва илмий иш билан шуғулланаётган тадқиқотчилар киритилди.

Вазирлик тизимида фаолият кўрсатаётган ходимлар томонидан қонунчиликнинг долзарб муаммоларини чуқур таҳлил қилиш ва уларнинг ҳуқуқий ижодкорликка доир интилишларини ривожлантириш ишчи гуруҳлари фаолиятининг асосини ташкил этади.

Ишчи гуруҳларининг асосий вазифаси сифатида қуйидагилар белгиланди:

— соҳалар бўйича амалдаги қонунчиликни ҳамда юридик адабиётларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш;

— соҳага тааллуқли чет эл қонунчилиги ва тажрибани ўрганиш;

— қонун ҳужжатларнинг амалда қўлланилишини ўрганиш; бунда вазирлик томонидан ўтказилаётган текширишлар ҳамда жойлардан олинаётган маълумотлардан фойдаланиш;

— аниқланган муаммоларни таҳлил қилиш, илмий изланишлар олиб бориш ва зарур таклифлар тайёрлаш;

— изланиш натижаларини доимий равишда оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш;

— ўтказилаётган семинар, симпозиум ва бошқа тадбирларда белгиланган мавзуларда чиқишлар уюштириш ҳамда муҳокамаларда иштирок этиш.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Адлия вазирининг 2002 йил 30 апрелдаги 26-ум-сонли, 2003 йил 6 июндаги 54-ум-сонли, 2004 йил 13 январдаги 7-ум-сонли буйруқлари билан ишчи гуруҳлари таркиблари тўлдирилиб, фаолияти ва иш йўналишлари такомиллаштирилди.

Охирги буйруққа асосан гуруҳлар қайта ташкил қилиниб, уларнинг сони 15 та қилиб белгиланди. Улар суд ҳуқуқ ислоҳотлари, жиноят қонунчилигини эркинлаштириш, банк ва кредитлаш, хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусий мулк ва хусусийлаштириш, юридик шахсларни ташкил этиш, фаолияти ва тугатиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурини амалга оширишни, нодавлат ташкилотларга оид қонунчиликни, қонунчиликни такомиллаштириш, солиқ қонунчилигини, акциядорлик жамиятлари ва акциядорлаштиришга оид қонунчиликни, божхона ва ташқи иқтисодий фаолиятга оид қонунчиликни ва шартномавий муносабатлар ҳамда қишлоқ хўжалигига оид қонунчиликни ўрганиш бўйича ишчи гуруҳларидан иборат.

Вазирлар Маҳкамасининг **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорида адлия вазирлиги фаолиятининг асосий йўналишлари аниқ белгилаб берилди.

Мазкур қарор ва қарорнинг иловаси сифатида тасдиқланган **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида Низом"** адлия идораларига кенг ваколатлар бериш билан бирга уларнинг масъулиятини янада оширди. Бу ўз навбатида қонунчилик ишчи гуруҳларининг фаолиятини ҳам янада такомиллаштириш тақозо этади.

(Давоми тўртинчи бетда)



Тонгнинг бошланиши

Tahrirsiz maktub

"МЕН ИШГА ТИКЛАНАМАНМИ?.."

Мен ўн уч йилдан буён Паркент тумани юқумли касалликлар шифохонасида хўжалик ишлари омбор мудири вазифасида ишлаб келардим. Шифохона томорқасидан олинган ҳосилдан шифохона манфаатларини кўзлаб иш юритдим. Бино ҳовлисини ободонлаштириш мақсадида юк машинаси ёллаб, 25 машина тоза тўпроқ келтириб тўкдим. 20 туп арча, 27 дона сосна, 100 туп атиргул кўчатларини ҳам ёнимдан пул сарфлаб, ўтказдим. Бироқ 2002 йил 28 август куни туман марказий касалхонаси бош шифокори М.Абдуллаевнинг 143§-1-сонли буйруғига асосан ҳеч қандай огоҳлантиришсиз, хизмат текшируви ўтказмасдан мен билан меҳнат шартномасини бекор қилинди. Мени шифохонага қарашли ер майдонидан унумли фойдаланмаслик, омборхонада камомадга йўл қўйганликда айблашди. Мен бош шифокор М.Абдуллаевга учрашганимда, у мени тинглашни ҳам истамади. Шундан сўнг мен шикоят билан турли идораларга мурожаат этдим. Паркент туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими мутасаддилари менинг манфаатимни ҳимоя қилиб, Меҳнат кодексининг 111-моддасига асосан бош шифокор М.Абдуллаевнинг буйруғини бекор қилди. Олдинги ишимга 10 кун муддат ичида тикланишим ҳақида кўрсатма берди. Афсуски, муддат ўтиб кетса-да, мен ишга тикланмадим. Шундан сўнг фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судига мурожаат қилдим. Суд ишни ўрганиб, Паркент тумани марказий касалхонасидан менинг фойдамга 658 минг сўм моддий ва 3 миллион сўм маънавий зарар ундириб берилишини ҳамда мени Паркент тумани марказий шифохонасига қарашли юқумли касалликлар шифохонасига ўз вазифамга тиклаб, 2002 йилнинг 28 августидан шу кунга қадар бекор юрган кунларим учун иш ҳақи ундирилиши ҳақида қарор қабул қилди.

Туман марказий касалхонаси бош шифокори суднинг бу қароридан норози бўлиб, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судига апелляция шикояти ёзди. 2003 йил 24 сентябрда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди бу апелляция шикоятини кўриб чиқиб, фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг 2003 йил 19 июлдаги "Д.Шоназаровни Паркент тумани марказий шифохонасига ишга тиклаш, иш ҳақи, моддий ва маънавий зарарни, сарф қилинган харажатларни ундириш ҳақидаги даъвоси бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорининг даъвогар Д.Шоназаровга маънавий зарарни ундириш қисми ўзгартирилсин. Даъвогар фойдасига 200000 сўм миқдорида маънавий зарар ундирилсин. Ҳал қилув қарорининг қолган қисмлари ўзгаришсиз қолдирилсин", деб ажрим чиқарди. Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди орадан кўп ўтмай, 2003 йилнинг 28 ноябр куни Паркент тумани марказий шифохонаси манфаати учун жавобгар Д.Шоназаровдан 62250 сўм ундириш ҳақидаги Паркент тумани прокурори томонидан киритилган кассация протесини кўриб чиқди. Судлов ҳайъати фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро суди томонидан Паркент туман прокурорининг Паркент туман марказий шифохонаси манфаати учун Д.Шоназаровдан 62250 сўм ундириш ҳақидаги даъвони аризаси тўғри рад этилган деб ҳисоблади. Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг 2003 йил 24 июлда чиқарган ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолди. Паркент туман прокурорининг кассация протести қаноатлантирилмасдан қолдирилсин, деб ажрим қилди.

Бўлиб ўтган судлар жараёнида менинг манфаатларим ҳаққоний ҳимоя қилинди. Бундан хурсандман. Бироқ суд қарорининг ижроси кўринмаяпти.

Мен ўз навбатида Судлар Департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлимига мурожаат қилдим. Ниҳоят, 2004 йил 23 январ куни ҳудудий бўлим бошлиғидан қуйидаги жавобни олдим:

"Суд ижрочилари томонидан мажбурий ижро ҳаракатлари олиб борилиб, қарор ижросини ихтиёрий равишда бажармагани сабабли қарздор Паркент тумани марказий касалхонаси бош врачи М.Абдуллаев "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасига асосан 48520 сўм жарима жазосига тортилиб, шу куннинг ўзида қарздор Паркент тумани марказий касалхонасига тегишли "Москвич" АЗЛК русумли давлат белгиси 11 АС 711 бўлган автомашинаси ва "НИВА" русумли ВАЗ 2121 давлат белгиси 11 АС 712 бўлган автомашинаси рўйхатга олиниб, баҳолаб сотишга қўйилгани, қарор ижросининг ишга тиклаш қисми юзасидан Паркент тумани марказий касалхонаси бош врачи томонидан қарор ижросини бажаришдан қасддан бўйин товлагани сабабли Жиноят кодексининг 232-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш учун тегишли ҳужжатлар 2004 йил 21 январда Паркент тумани прокуратурасига юборилгани маълум қилинди".

Бироқ шундан буён ҳам орадан анча вақт ўтаётган бўлса-да, натижа йўқ. Бу шикоят хатини ёзишдан кўзлаган мақсадим — бу борада амалий ёрдам кўрсатасизлар, деган умиддаман.

Дилшод ШОНАЗАРОВ

Jahon tajribasi

АҚШ СУД ТАЪЛИМИ

АҚШда суд ҳокимиятининг мустақиллигини доимий равишда такомиллаштириб бориш ва аҳолининг унга ишончини мустаҳкамлаш мақсадида "Суд ҳокимияти таълиминг асос ва андозалари" ишлаб чиқилган. Унда қайд қилинишича, судьялар малакасини жамият эҳтиёжларига мувофиқ равишда ошириб бориш янги ва шу билан бирга мураккаб соҳа бўлиб, тажрибали, билимдон ҳамда фидойи мутахассисларнинг иштироки талаб этилади.

Ўтган асрда **"Суд таълими ходимлари миллий ассоциацияси"** (NASJE) томонидан бошланган бу ишга ҳозирги пайтда АҚШнинг қарийб 47 штатида фаолият олиб бораётган суд таълими ташкилотлари ҳамда хорижлик кўплаб мутахассислар алоқадор. Ушбу таълим 20000 нафардан ортиқ судьяларга яқиндан ёрдам бериб келмоқда. 1989 йили NASJE томонидан **"Судьялар малакасини ошириш асослари ва андозалари"**ни тузиш бўйича ташкил этилган махсус қўмита икки йил давомида барча штатлар тажрибасини ўрганиб чиқди ҳамда унинг сўнгги ва мукаммал лойиҳаси 2001 йилда **"Суд ҳокимияти таълиминг асос ва андозалари"** номи остида тасдиқланди.

Ушбу "Асослар ва андозалар"да асосан саккизта мақсад кўрсатилган: **1) судьяларга ўз вазифаларини ҳалол, адолатли ва самарали амалга оширишларида зарур бўлган билим ва малакани олишда ёрдам бериш; 2) суд идоралари ходимларига ҳам шахсий, ҳам расмий доирада юксак андозаларга амал қилишларида ёрдам бериш; 3) уларга ўз соҳаларининг етук ва кўзга кўринган вакили бўлишларига кўмак бериш; 4) суд тизимида холислик ва одилликни сақлашга эришиш йўлларини излаш; 5) самарали суд амалиётини жорий этишда ҳамкорлик қилиш; 6) суд тизимида бошқарув жараёнини такомиллаштириш; 7) одил судловга бўлган барчанинг ҳуқуқларини кафолатлаш; 8) суд ҳокимиятига бўлган жамоатчилик ишончини мустаҳкамлаш.**

Аксарият штатларда штат олий судининг бош судьяси суд таълими учун умумий раҳбарликни амалга оширади ҳамда ҳар бир штат ўзининг суд таълимига бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш учун масъул бўлган махсус ташкилотга эга. Бунинг учун одатда, суд таълими қўмитаси ташкил этилиши ва у **"Асос ва андозалар"** талаб қилган даражасида фаолият олиб бориши керак.

«Асос ва андозалар»да белгиланишича, суд ходимлари йилига камида 24 соат давомида суд таълимида иштирок этишлари шарт. Суд таълими дастурлари бошловчи судьялар ва иш тажрибасига эга бўлган судьялар учун алоҳида бўлиб, суд таълими қўмиталарида одатда, ўқув режасини тузишга масъул кенгашлар ташкил этилади. Улар жиноят, фуқаролик ёки оилавий судларда фаолият юритадиган судьялар учун ҳам алоҳида дастурлар ишлаб чиқади ҳамда янги қонунлар қабул қилинишига мувофиқ тарзда дастурларга зарур ўзгаришлар киритиб боради.

Ушбу таълимнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бунда асосий билим ва тажрибага эга мутахассисларга таълим берилади. АҚШда тўрт йиллик бакалавриат ва уч йиллик амалиётдан ташқари судьяликкга сайланиш учун ҳуқуқшунос сифатида беш йиллик иш тажрибаси талаб қилинади. Шунинг учун ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқишда кишиларнинг ёши ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш алоҳида белгилаб қўйилган. Бунда қўйилган мақсадлар аниқ ва самарали бўлиши, суд ходимларининг ҳар бир соҳа эҳтиёжларини мунтазам эътиборга олиб бориши зарур. Иштирокчилар таълим бошланишидан олдин ўз истак ва мақсадларини билдириши мумкин. Таълим якунида анкета сўровномалари тарқатиш орқали қўйилган мақсадларга қай даражада эришилгани аниқланади.

Суд таълими бўйича маҳаллий қўмиталар иш бошлашга киришаётган судьяларни **"Судьялар ҳулқ-атвори кодекси"**, иш юритишда зарур бўлган қўлланмалардан самарали фойдаланиш усуллари, одил судловнинг моҳияти, жамоатчилик ва матбуот билан алоқадорлик, суд атамалари, суд ишларини ва кадрларни бошқариш, суд этикаси, низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари, суд қарорини ёзишнинг нозик томонларидан тортиб иш жараёнидаги чарчоқни енгишгача бўлган масалалар билан таништириб чиқади. Шунингдек, қўмита янги судьяга ёрдам кўрсатиб турувчи маслаҳатчи судья тайинлайди.



Ҳар бир штатда суд ходимларининг таълим бериши уларнинг асосий фаолиятларидан бири деб баҳоланади, уларга зарур вақт ва харажатлар қопланади. Баъзи штатларда эса таълим бериш **"Судьялар ҳулқ-атвори кодекси"**га асосан таъқиқланиши ҳам мумкин.

"Асос ва андозалар"да суд ҳокимияти кенг жамоатчиликнинг ишончини қозонган ва ёрдамига таянган тақдирдагина самарали фаолият олиб бориши мумкинлиги белгиланган бўлиб, нодавлат ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик ишларига алоҳида эътибор берилган. Дастурда белгиланишича, барча суд идоралари ходимлари суд таълимига кўмак бериш ва унда иштирок этишни ўзларининг шахсий масъулиятлари деб билишлари лозим.Суд таълими идораларининг вазифаларидан яна бири эса суд ҳокимияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда аҳолини одил судловни ривожлантиришга кенг жалб қилишдан иборат деб белгиланган.

Шунингдек, **"Асос ва андозалар"**да аҳолининг кам таъминланган тоифасига ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни ривожлантиришга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилади. Шу мақсадда судьялар учун амалиётда қўллашга яроқли турли ўқув қўлланмалар ва маълумотномалар ишлаб чиқилади.

Ҳозирги кунда АҚШда суд таълими мустақил соҳага айланган бўлиб, мамлакатда 65 дан ортиқ ташкилотлар бу жараёнда иштирок этмоқда. Шулардан 35 таси ўзининг доимий иш жойида фаолият кўрсатади. Бу эса АҚШда суд таълимига алоҳида аҳамият берилаётганини кўрсатади.

Ойбек ҲАКИМОВ

Ajab savdolar

СУНЪИЙ ЙЎҚОТИШ

ФЕЛЪЕТОН ЎРНИДА

Минерал ўғит деганлари жуда қизиқ нарса экан-да. Қаранг, ҳавога учса, ҳавони ифлослантиради — ғирт зарар, ерга тушса экинга дармон, кони фойда. Боз устига целлофан халтага солиб маҳкамлаб қўйилса-да, сал очиқ ҳавога чиқса бас, унинг вазни ўзидан-ўзи камайиб кетаверар экан. Бу табиий йўқотиш дейилади. Аслида-ку пешмапеш келаётган ўғит фермерлар даласига кетаяпти, ўғит ўзини қанча йўқотса, далада йўқотади. Тартиб шунақа бўлгач, уни муҳокама қилиб ўтириш мутахассис бўлмаган кишининг вазифасига кирмайди.

Фақат шу "табиий йўқотиш" деганлари омбор мудири Одилжонга ноҳақлик бўлаётгандек туюлаверди. Яъни "табиий йўқотиш"даги 9 фоиз ёнига "сунъий йўқотиш" деган фикрни ҳам қўшса, қандай бўларкан? Тўғри, аввал ҳам шундай ишни қилиб кўрган. Аммо фоизини ошириш керакмикан? Ахир, болачақа омборчидаям бор-да. Ўғитнинг ҳузурини экин кўргани билан, тили-жағи чиқиб, манг, сиз ҳам ҳузурини кўринг, деб бирон сўм беролмаса! Шу ўйлар билан хаёлига ғарқ бўлиб ўтирган пайтда хонага бегона киши кириб, Одилжонни чўчитиб юборди.

— Ас... фермерман, ўғит керак. Мана, 4 тоннага қоғоз олиб келдим, – дейди.

— Ўғит каму, лекин экиннинг жуда ҳоли қуриб кетаётган бўлса, озроқ топса бўлади. Ўзи қайсига ишлатмоқчисиз?

Одилжоннинг экинга ғамхўрлиги "фермер"га ёқиб тушди. Демак, гаплашса бўлади.

— Экинга керак-да! Мен фермер Омон Мўминовман. Фақат 4 тонна эмас, кўпроқ керак.

— Э-э, ўғит оз эди-я, – гапни чўзди Одилжон.

— Яхши ҳақ тўлайман. Нақд, – дея дангалига ўтди Омон.

— Кўп керакми?

— Камида 20 тонна.

Одил иккиланиб қолди. Синамаган отнинг сиртидан ўтма, деганлар. Тағин панд бермасмикан?

Унинг ўйланиб қолишидан иши битишини сезган Омон янада дадиллашди.

— Ҳар тоннасига 90. Коровулхонадагилар билан ўзим келишаман.

Охири келишишди. Эртасига Омон Мўминов ҳужжатларни тўғрилаб, автомашина билан келадиган бўлди.

Эртаси кун эрталаб О.Мўминов "Найман" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари А.Қодирқулов билан Т.Орипов бошқарувидаги "ЗИЛ" русумли 12 Д 3834 давлат рақамли автомашинада келишди. Дастлаб 150 қоп селитра ортиб кетишди. Бирон соатдан сўнг яна шунча, хуллас, 400 қоп ўғитни А.Қодирқуловнинг фермаси омборига ташиб олишди. Бу "операция" учун тайёрланган ҳужжатларнинг бари қалбаки ва сохта эди. Ўғитни ушбу фермага ташишдан мақсад у нақ Тожикистон билан чегара ёнида эди. Энди бу ёғи қандай бўлиши аён. Лекин улар бу ниятларига етолмадилар.

Агар сезган бўлсангиз, шу ўринда тўртинчи шахс, яъни шу куни постда турадиган Янгиер шаҳар ИИБ қўриқлаш бўлими милиционери Деҳқонбой Аҳматовнинг номи етишмаётгандек. Бу ҳақда ўзи нима деркин: "11 апрел — туғилган куним, уйимизга меҳмон келиши сабабли постни бироз вақтга ташлаб Янгиер деҳқон бозорига кетдим. Келганимдан сўнг соат 12 яримда тушлик вақти бўлгани сабабли овқатланиш учун ошхонага кирдим. Соат 15 ларда қайтиб келдим. Шошиб турганим боис "ЗИЛ" автомашинани қайд этиш китобига ёзмаганман".

Энди холисона айтингчи, сиз унинг гапига ишондингизми? Лекин ишонганлар бор экан. Яъни унинг постда бўлмаган пайтида бир неча бор келишиб, 20 тонна селитрани олиб чиқиб кетишганини ўғитни талон-тарож қилувчиларнинг ўзлари қайта-қайта таъкидлашди. Нима ҳам деймиз, шунақаси ҳам бўларкан-да.

Омбор ишчилари-чи? Албатта, уларни айблаб бўлмайди. Лекин гувоҳиклари керак. Ишчилар Ж.Норматов, Ш.Шодмонқулов ва Х.Ўтановлар бир оғиздан 10 апрел куни омборчи буйруғи билан ўша "ЗИЛ"га уч марта селитра ортиб беришганини таъкидлашди.

Ховос тумани молия бўлими 12 апрелда ўтказган тафтиш натижаси қуйидагича: минерал ўғитдан 118,31 тонна кам, шундан 97,19 тонна табиий камайиш чиқариб ташланиб, омборчига 21,12 тонна селитра, 1,5 тонна карбомид камомади юклатилди.

Суд ушбу айбдорларнинг ҳар бирига қилмишига яраша жазо тайинлади. Масалан, қора металл йиғиш корхонасида ишчи бўлиб ишлаган О.Мўминов, омборчи О.Ҳамроқулов, ХИЧК эгаси Абдуқаҳҳор Қодирқуловнинг ҳар бирига салкам уч йиллик ахлоқ тузатиш иши тайинланди. Ҳар биридан шу даврда ойлик иш ҳақидан 30 фоиз давлатга ундирилади. Д.Аҳматовга энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Кўриниб турибдики, осон бойлик топаман, деган қатта хато қилади. Халқимиз бойлиги бўлган ўғитни четга чиқаришга уринишни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Ғулом ЖЎРАЕВ,
ҳуқуқшунос
Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Yangilik va tashabbus

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ИШЧИ ГУРУҲЛАР ҲАҚИДА

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Шу боис Адлия вазири белгиланган жадвал асосида 2003 йил ноябр-декабр ойларида барча ишчи гуруҳлари аъзолари билан учрашиб, амалга оширилаётган ишлар ва бу борадаги муаммолар ҳақида суҳбатлашди ва ҳар бир гуруҳ ва гуруҳ аъзолари олдига аниқ вазифалар қўйилди. Гуруҳларнинг ишчанлик қобилиятини ошириш учун уларнинг таркибини ихчамлаштириш ва олиб борилаётган изланиш натижаларидан амалда фойдаланиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли идораларга тақдимномалар тайёрлаш, Тошкент Давлат юридик институт билан ҳамкорликни янада кучайтириш, гуруҳ аъзоларининг илмий изланиш мавзуларини тадқиқот сифатида расмийлаштириш, натижаларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Гуруҳ аъзоларидан Д.Матназаров **"Адлия соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари"** мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. А.Ҳамроевнинг **"Судьяларнинг касбий ҳуқуқий онги"** мавзусида докторлик диссертацияси эса ҳимоя тавсия этилди. Гуруҳ аъзолари томонидан **"Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари"**, **"Ўзбекистонда ҳуқуқий меъёрларнинг амалга оширилиши муаммолари"**, **"Юридик шахслар ва жамоат бирлашмаларининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми"**, **"Коррупциявий муносабатларнинг криминологик хусусиятлари ва унинг олдини олиш"**, **"Кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий мақоми ва уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш муаммолари"**, **"Бозор иқтисодиёти шароитида молмулкни ишончли бошқаришни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари"**, **"Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи ва унинг ҳимоя қилишнинг фуқаролик ҳуқуқий усуллари"**, **"Ҳуқуқий давлат қурилишида қонунийликнинг аҳамияти"**, **"Солиқ назоратини амалга оширишнинг маъмурий ҳуқуқий муаммолари"**, **"Солиқ тизимини такомиллаштириш муаммолари"**, **"Солиқ қонунчилигини бузганлик учун молиявий жавобгарликни тортиш ва унинг процессуал тартиби"**, **"Хорижий инвесторларга солиқ қонунчилиги бўйича берилган имтиёзлар ва уларни қўллашдаги муаммолар"**, **"Акциядорлик жамияти фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида"**, **"Корпоратив бошқаришни такомиллаштириш"**, **"Ижара муносабатларини тартибга солишнинг фуқаролик ҳуқуқий масалалари"**, **"Бозор муносабатлари шароитларида шартнома интизомини мустаҳкамлашда фуқаролик ҳуқуқий усул ва воситалар"** мавзуларида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур илмий изланиш натижалари газета ва илмий журналларда чоп этилмоқда.

Гуруҳ аъзолари илмий изланиш натижаларидан, мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун тайёрланаётган тақдимномаларда унумли фойдаланишмоқда. 2004 йил бошида гуруҳ аъзолари томонидан Божхона, Солиқ қўмиталарига, "Ўзстандарт" агентлиги ва Марказий Банкка тақдимномалар тайёрланди. Демак, илмий изланишлар натижаси мазкур идоралардаги камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Вазирликка тушаётган ариза, шикоятлар, жойлардаги текширув ва ўтказилаётган сўровлар натижасида ҳақиқий аҳвол, мавжуд муаммолар (ҳам қонунчиликда, ҳам амалиётда) аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан асосланган таклифлар тайёрланди.

Маъмурий ва молиявий жавобгарликка тортиш, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш, солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш, нақд пул муомаласи ва кредитлаш, Божхона кодексига ўзгартириш киритиш, аудиторлик фаолияти, инсон ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш, жиноят қонунчилигини эркинлаштиришга қаратилган таклифлар эътиборга лойиқдир.

Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан тайёрланган **"Коррупция: ижтимоий оқибатлари ва унга қарши кураш чоралари"** мавзусидаги таҳлилий маълумотнома, **"Коррупцияга қарши кураш Дастури"** лойиҳаси, **"Мол-мулкни ишончли бошқариш фаолияти тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси, **"Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг"** лойиҳаси ана шундай илмий изланишлар натижаси ҳисобланади.

Ишчи гуруҳлари ташаббуси ва иштирокида **"Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари: сиёсий папртияларнинг тутган ўрни ва аҳамияти"** (2004 йил 23 июн); **"Банк ва кредитлашга оид қонунчиликни такомиллаштириш, амалиётдаги муаммолар ва уларнинг ҳуқуқий ечими"**. (2004 йил 30 апрел); **"Фуқароларнинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини юксалтириш"** (2004 йил 28 май) мавзуларида илмий-амалий анжуманлар ўтказилди. Бу анжуманларда муаммолар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан амалий таклифлар билдирилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, барча ишчи гуруҳлари ҳам ўз вазифасига масъулият билан ёндашмаяпти. Режада белгиланган барча тадбирлар тўлалигича бажарилмаяпти, ҳисоботда аниқ далиллар ўрнига "ишлар қилинмоқда", "мазкур иш давом эттирилмоқда" деган жумлалар билан кифояланиш ҳоллари мавжуд. Хусусан, хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга оид қонунчиликни ўрганиш, шартномавий муносабатларга оид қонунчиликни ўрганиш, солиқ қонунчилигини ўрганиш, божхона ва ташқи иқтисодий фаолиятга оид қонунчиликни ўрганиш бўйича тузилган ишчи гуруҳларида соҳадаги долзарб масалаларни илмий изланиш мавзуси сифатида расмийлаштириш эътибордан четда қолмоқда.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, Адлия вазирлиги раҳбарияти ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши асосида олиб борилаётган назарияни амалиёт билан уйғунлаштириш асосида фаолият юритиш, бир томондан, вазирлик олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун шароит яратса, иккинчи томондан ходимларни ўз устида ишлаши, касбий малака ва маҳоратини ошириб боришига имконият яратади.

Озод ҲУСАНОВ,
юридик фанлар доктори

Charxi kajraftor

АНТИҚА ТАРБИЯ

У вояга етмаган болани икки йил азоб-уқубатга дучор этди

Иркутск вилоятининг Харантей қишлоғида яшовчи Лариса Холкин икки йил мобайнида ўғли Лёшани занжирбанд ҳолда сақлаб келган. Ичкиликбозликка муккасидан берилган она 11 ёшли ўғлини ётоқхонага итларнинг занжирли бўйинбоғи билан боғлаб қўйган. Энг қизиғи шундаки, унинг қариндошлари ва бутун қишлоқ аҳли бундан хабардор бўлган. Айримлар бу ҳақда маҳаллий ҳокимият ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ҳам мурожаат этишган, бироқ улар ҳатто гап нимада экани билан қизиқиб ҳам кўришмаган. Занжирбанд бола тўғрисида турли-туман гапсўзлар тарқаган бўлса-да, ҳеч ким уни қутқаришга шошилмаган. Ниҳоят, яқинда бахтли тасодиф туфайли Лёша уй қамоғидан озод этилди. Гап шундаки, қишлоққа иш юзасидан ташриф буюрган маҳаллий ҳокимият раҳбари бирдан занжирбанд бола ҳақида эслаб қолди ва уни ўз кўзи билан кўришга қарор қилди. Холкинларнинг уйи эшигини очган ширакайф она ўғлининг уйда йўқлигини айтиб, чақирилмаган меҳмонларнинг ичкарига киришига қаттиқ қаршилик кўрсатди. Бироқ ҳокимият вакиллари қатъий талаб қилгач, у ўғлини кўрсатишга мажбур бўлди. Озиб-тўзиб кетган Лёша ётоқхонада итнинг занжирли бўйинбоғи билан боғлаб қўйилганини кўрган мутасаддилар дарҳол милиция ва тез ёрдамга хабар беришди. Шу тариқа Лёша ва унинг тўрт ёшли сингласи ичкилик туфайли инсонийлик қиёфасини йўқотган она чангалидан озод этилди. Шу ўринда Лёша нима учун бундай азоб-уқубутга гирифтор этилган, деган савол туғилиши шубҳасиз. Маълум бўлишича, Лёша икки ёшга тўлганда отаси вафот этади. Орадан кўп ўтмай Лариса шу ерлик ўрмон қоровулига турмушга чиқади. Улар қўш ҳўкиз бўлиб рўзғор аравасини тортиш ўрнига маишатбозликка берилишади. Натижада томорқага қараш, молларни боқиш, ҳосилни ўриб-йиғиб олиш сингари барча юмушлар шўрлик Лёшанинг гарданига тушган. Эс-ҳушли Лёша улғайган сари онасини ичкиликбозликдан қайтаришга уринган. Бироқ унинг ҳаракатлари ҳеч қандай самара бермаган. Аксинча, бунинг учун у қаттиқ жазога тортилган. Лёшанниг уйдан қочиб кетишидан қўрққан сарҳуш "улфат"лар охири болани занжир билан боғлаб қўйишни ўйлаб топишади. Қўшниларнинг айтишича, у нафақат ичкиликбоз онаси ва ўгай отасини, балки сингласи Настияни ҳам мурожаат этишга ҳам ундирибичирган. У бўлмаганда қизалоқ очлик ва шафқатсиз қийноқдан аллақачон ўлиб кетиши мумкинлигини қўшнилар баралла эътироф этишмоқда. Улардан нега болаларга ўз вақтида ёрдам бермадинглар, деб сўралганда «бировнинг оилавий ишига аралашиш яхши эмас», дея жавоб беришди. Лёшанинг тоғаси Андрейнинг айтишича, жиянининг шундай аҳволда яшаётганини эшитиб, опасига қаттиқ танбеҳ берган. Лекин Лёшани занжирдан озод этишга ҳаракат қилмаган. Унинг фикрича, "бировнинг оиласига аралашиш ақлли одамнинг иши эмас. Қолаверса, ҳар ким боласини ўзи билганича тарбиялайди". Харантей қишлоғига бириктирилган милиция ходимининг изоҳи бундан-да ажабланарли: "Холкинлар милицияда назоратга олинмаган. Уларнинг ўғлини занжир билан боғлаб қўйишганини эшитганман, лекин бу ҳақда ҳеч ким ариза билан менга мурожаат этмаган..."

Энди "меҳрибон" она бўлган Ларисанинг гапларига қулоқ тутинг: "Ўғлим менга итоат этмай қўйди. Унинг уйдан қочиб кетмаслиги учун шу ишни қилдим. Ахир, уни кўчага ҳайдаб юборганим йўқ-ку?"

Хуллас, қарашлар ва муносабатлар ҳар хил, аммо воқелик ягона — Лёша ўз онаси томонидан шафқатсиз қийноққа дучор этилган! Ҳозирги пайтда ушбу масала юзасидан тергов ҳаракатлари олиб бориляпти. Лёша ва Настя эса болалар уйида тарбияланишмоқда.

Комрон МИРЗО тайёрлади.

Jinoyatga jazo muqarrar

ҚИСМАТ ЎЙИНИ

СУД ОЧЕРКИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Орадан уч-тўрт кун ўтди. Бироқ на она, на қизлар Нанай қишлоғидан қайтиб келишди.

Қариндош-уруғларнинг қистови билан Абдулла Нанай қишлоғига қараб йўл олди. У кунни атай кеч қилиб, уйига қайтиб келди. Кенг ҳовли тамомила унинг ихтиёрига ўтганди. У кўнгли тусаган алфозда яшай бошлади. Омборхонадаги сотиладиган жамики буюмларни биринкетин бозорга олиб чиқди. Чўнтакни қаппайтирган жарақ-жарақ пулларни эса кайфу сафо, айшу ишратга сарфлади. Ана шундай кунларнинг бирида Абдулла ўша ортидан анча пайтдан буён илакишиб юрган суюқоёқ аёлни ҳовлига бошлаб келди. Аёл ҳовлида яшаб қолди. Кейинчалик бундан хабар топган тоғаларидан бири аёлни уйдан ҳайдаб чиқарди.

— Қанақа йигитсан ўзи, – деди тоға ғазаб билан, — виждонинг борми?! Онанг, сингилларинг бир неча кундан бери йўқ. Сен бўлсанг, анави манжалақи билан... Тур ўрнингдан, милицияга хабар бер...

Абдулла қариндош-уруғ, тоғаларининг қийин-қистови билан Янгиқўрғон туман Ички ишлар бўлимига ариза берди. Мазкур сохта ариза юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ва тумани ички ишлар бўлими томонидан тезкор-қидирув гуруҳи ташкил этилди. Лекин бу борадаги барча саъй-ҳаракатлар бесамара кетаверди. Ҳеч қаердан Ҳуриниса опа ва қизларининг дараги чиқмади. Фақат ўтган йил ёз кунларининг бирида Абдулла Жўрабоев Янгиқўрғон туман ички ишлар бўлими томонидан ҳибсга олинади. Бунга сабаб — у ён қўшниси А.Мансуровнинг уйидан жами 700 минг сўм миқдоридаги ёғоч материалларини, 15 минг сўмлик кроват тахталари, 237 минг сўмлик "Камаз" автомашинасининг эҳтиёж қисмларини ўғирлашда айбланади. Шундан сўнг Абдулла яшаётган уйнинг ертўласидан мазкур буюмлар ашёвий далил сифатида олинади. Орадан роппа-роса уч ой ўтиб, яъни 2003 йилнинг 9 октябр куни мудҳиш жиноят изи фош этилди. Бу кунни нафақат Бирлашган қишлоғи, балки Янгиқўрғон тумани аҳолиси узоқ муддат ўз хотираларида сақлаб қолади. Янгиқўрғон тумани ички ишлар бўлими томонидан ташкил этилган тезкор жиноят қидирув аъзолари бир йил муқаддам лойҳандакка ўғли томонидан кўмиб юборилган она ва унинг уч қизини жасадини ковлаб олди...

Жиноятчи қилмишига яраша адолатли жазо олди.

Инсон ўзининг онги-шуури, ақли билан бошқа мавжудотлардан фарқланиб туради. Лекин ўз онасига қўшиб, уч сингласининг жонига қасд қилган, сўнгра лойҳандакка тиқиб кўмиб юборган кимса ҳам инсон боласи. Биз хом сут эмган бандалар баъзан бўриларни ёвузликда, ваҳшийликда айблаймиз. Улар ҳақида ҳар хил эртак, чўпчаклар айтиб, фарзандларимиз онгида бўриларга нисбатан қўрқув уйғотамиз. Аммо ўзимизнинг орамиздан чиққан "бўрилар"чи?! Уларнинг ёвуз қилмишини қандай сўз билан ифодалаш мумкин?! Бундай пайтда ҳар қандай кишининг тилига калима келмай қолади. Наҳотки, одам боласи ҳам шундай қабоҳатга қўл уради?! Нега?!.

Эшитган юракни ларзага соладиган бу жиноят ҳақида фикр юритганда аввало киши наҳотки одам боласи шундай қабоҳатга қўл уришга қодир, дея танг қолади. Бунинг устига бу жиноятнинг келиб чиқишини минг битта сабаби бор. Хусусан, бу жиноят юзасидан бўлиб ўтган суд мажлисига гувоҳ сифатида қатнашган Ҳурматой Насриддинованинг ҳам сўзларида ҳақиқат бор:

— Абдуллани ёшлигидан эркалатиб ўстиришди. Опа у нима айтса, ҳаммасини муҳайё қиларди. Натижада Абдулла тантиқ, айни пайтда зўравон бўлиб ўсди. Охир-оқибат ёмон йўлга кириб кетди.

Бу жиноятнинг келиб чиқишининг битта сабаби. Ва унинг замирида халқимиз қадим-қадимдан алоҳида эътибор билан қараб келган оила, ундаги муҳит, фарзанд тарбияси сингари ҳар бир кишидан катта масъулият талаб этадиган тушунчалар ётибди. Ана шу тушунчалар унутилган, топталган ва қадрини йўқотган жойда эса кутилмаган воқеалар келиб чиқаверади. Юқорида баён этилган воқеа ҳам бунга мисол бўлади.

Мухитдин ҚУТПИДДИНОВ,
ҳуқуқшунос
Маъмур МУСУЛМОНОВ
"Инсон ва қонун" мухбири

Mitti maslahat

АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ БУЗИЛМАСИН

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимиз фуқаролари ўз ҳақ-ҳуқуқларини эркин ифодалаш имкониятига эга бўлишди. Ҳозирги пайтда улар ўзларининг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш ҳақида исталган идорага мурожаат қилишлари мумкин.

Афсуски, баъзан амалиётда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш учун асоссиз равишда бошқа давлат идораларига бериш, қарори ёхуд ҳаракати устидан шикоят қилинаётган давлат идоралари мансабдор шахсларнинг ўзига жўнатиш ҳоллари кам бўлса-да, учраб турарди. Бу эса шикоят хатларини кўрилмай қолиб кетишига олиб келарди.

Янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг 17-моддаси 2-қисми талаби билан бундай ножўя хатти-ҳаракатларга чек қўйилди.

Ушбу қонуннинг 18-моддасида қайд этилишича, фуқароларнинг ариза ёки шикоятлари масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат идорасига тушган кундан эътиборан асоссиз равишда 1 (бир) ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоят эса 15 кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши, мабодо ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати тегишли давлат идораси раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилган ҳолларда бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилиниши зарур.

Бу эса ижрочи идораларнинг масъул ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Шу боис улар қонун талабига сўзсиз риоя этишлари лозим. Ана шунда адолат тамойиллари бузилмайди.

ҲИМОЯЛАШ МАНТИҒИ

Ўз ўғлини ҳимоя қилиб, уч жиноятчини ўлдирган кон ишчиси оқланди. Кемерова вилоятининг Белова шаҳри суди шундай қарорга келди.

Эслатиб ўтамиз, 2002 йилнинг май ойларида уч безори йигит Денис Скрипниковни роса дўппослаб, унга оғир тан жароҳати етказишди. Безориларнинг иккитаси аввал ҳам жиноятлар содир этганликлари учун бир неча марта қамалиб чиқишганди.

Денис бир амаллаб улардан қутулди-да, жон ҳолатда уйига югурди. Отасига бўлган воқеаларни бирма-бир айтиб берди. Орадан бирор муддат ўтгач, безорилар уларнинг уйида пайдо бўлишди. Уларнинг нияти яна Денисни дўппослаш эди. Ўртага отаси Анатолий Скрипников тушди. У болаларни инсофга чақирди, йўқ фойдаси бўлмади. Ялинди, натижа чиқмади.

Шунда у анчадан буён уйида сақлаб келаётган бешотар ов милтиғини олди-да, ўсмирларга ўқталди.

— Тез кетинглар, бўлмаса, отиб ташлайман, – деди ота ниҳоят сабр косаси тўлиб.

Безориларнинг дадилроғи у томон қадам босди. Шунда Анатолий Скрипников дастлабки огоҳлантирувчи ўқни узди. Бунинг нафи бўлмади. Кейин иккинчи ўқ отилди. Скрипников қараса, бўлмайдиган. Безорилар яна ҳужум бошлашмоқчи. Шунда у ўзининг ва ўғлининг ҳаёти ниҳоятда катта хавф остида эканини сезди-ю, ҳамма нарсани унутди. Кетма-кет уччала безорини ҳам отиб ташлади. Улардан бири шу ернинг ўзида ҳаёт билан видолашди. Қолган иккитаси эса касалхонада жон таслим қилди.

Ҳуқуқ идораларининг ахборотларига қараганда, ҳар учала безори ҳам маҳаллий жиноятчилар гуруҳининг фаол аъзоларидан бўлишган экан.

Мана орадан деярли бир ярим йилдан кўпроқ вақт ўтди. Ушбу жиноят юзасидан яқинда бўлиб ўтган судда Анатолий Скрипников батамом оқланди.

Хориж матбуоти материаллари асосида Зиёвуддин ОРТИҚҲЎЖАЕВ тайёрлади.

Nadomat

ТУҲМАТ ҚУРБОНИ

Аҳмадни кутилмаганда деканатга чақириб қолишди. У эшикни очиб ичкарига бош суққанда, хонада К. Омонтурдиевдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. "Рухсат" маъносида бош қимирлатган факультет декани талабанинг кўзига бироз хафароқ кўринди. У Аҳмад устидан ариза-шикоят тушунганини айтиб, столи устидаги қоғозни узатди.

"Қайнукам... Аҳмад 2003 йил 14 апрел куни соат 13.00 лар чамасида уйга келиб мени ва болаларимни қўрқитиб, тўйга йиғиб қўйган 500 минг сўм пулим ва бошқа тилла тақинчоқларимни олиб чиқиб кетди..."

Шикоят хатининг давомини ўқиётганда, Аҳмаднинг кўз олди тиниб кетди. Чунки Неъмат акасининг собиқ хотини уни ўзига тегажўғлик қилганда айблаётганди. Аҳмад деканатда ҳам, тўрт йилдан бери бир гуруҳда таҳсил олаётган курсдошлар муҳокамаси чоғида ҳам аризада ёзилганлар туҳмат эканини айтди. Курсдошлар ҳам табиатан оғир, тортинчоқ Аҳмаднинг қўлидан бу ишлар келмаслигини билдиришди. Яна денг бировнинг бойлигини босқинчилик йўли билан ўзлаштиришдек оғир жиноятга қўл уриш... Йўқ, йўқ, Аҳмад бундай қабиҳликни қилмайди, дейишди улар.

Орадан кўп ўтмай Саломат яна Аҳмаднинг ўқиш жойида пайдо бўлди. "Ўқишдан ҳайданг, у менинг..." деган талабни қўйди. Бироқ "милицияга мурожаат қилинг" деган жавобни олгач, унинг қадами бироз тийилгандай бўлди. Аммо Саломатнинг ҳаракатлари бир жала қуйиб тинчиган-у, кейин момақалдироқ билан яна қора булут босиб келган ҳолатга ўхшарди. Негаки, Аҳмад бўлиб ўтган гап-сўзлардан сўнг ўзини бошқалардан олиб қочадиган бўлиб қолди. Уйдан кетиб, ижарада яшовчи курсдошларидан бирининг ёнига кўчиб ўтди.

Аслини айтганда, халқимизга ўт, сув ва туҳмат балосида асрасин, деб бежизга айтмаган. Туҳматдан қочиб қутулиш қийин бўларкан. Аҳмад ҳам ижара уйга кўчиб ўтаётганда, ана шу туҳматлардан қутуламан, деб ўйлаган бўлса, ажаб эмас. Орадан кўп ўтмай эса у янгасининг навбатдаги уйдирмаси ҳаммасидан ошиб тушганини кейин тушуниб етди.

Аёлларнинг кўнгли юмшоқ бўлади, дейишади. Аммо аёл зоти бир қасд қилмасин экан. Қасдлашдими, кўнгли тошдан ҳам қаттиқ тортиб, юмшаши қийин кечаркан.

Аҳмадни ўқишдан ҳайдаттириш ниятига етолмагач, Саломат юзидаги ҳаё пардасини бутунлай сидириб ташлади. У ҳали вояга етмаган қизимнинг номусига амакиси Аҳмад теккан, деган туҳматни тўқиди. Бошқаларни ишонтириш учун қизини дўхтирга олиб борди. Бироқ тиббий экспертиза буни инкор этди. Бу ҳам Саломатнинг ақлини киритмади.

Бу орада эса давлат битирув имтиҳонлари бошланиб қолди. Аҳмадни ўқишдан ҳайдашни талаб қилиб келиб-кетишидан безганлар "Янгангдан ҳеч қандай даъвом йўқ мазмунида тилхат олиб кел", деб қолишди.

Тилхат олиш учун янгаси ҳузурига борган Аҳмад ўзининг ҳаёти поёнига етиб бораётгани, бир кунлик хаста умри қолганини билмасди. Саломат эса алдов йўли билан унинг қўлларини боғлайди. Сўнг оёқларини. Ундан кейин эса "янгамга даъвом йўқ, мен ундан 250 минг сўм қарз олганман. 20 фоизлик тўлови билан бир йил ичида қайтараман" деган тилхатни ёздириб олди.

Қўл-оёғи боғлиқ Аҳмад ўзини ҳимоя қиладиган аҳволда эмасди. Саломат темир болға билан Аҳмаднинг танига уриб оғир тан жароҳати етказади. Сўнг бу билан чекланмай унинг оғзига сирка кислотаси қуйди. Гўёки қайнукаси ўз жонига қасд қилиб сирка кислотаси ичгану янга унга зарар етмасин учун қатиқ ичирган. Бу пайтда ажал элчиси — сирка кислотаси қиладиган ишини қилиб бўлганди. Аҳмаднинг оғиз бўшлиғи, лабларининг шиллиқ қисмлари, ҳиқилдоқ, томоқ йўллари, қизилўнгач, ошқозон, ўн икки бармоқ ичак, ўпка тўқимаси ва бошқа аъзолари шиддат билан ишлаётганини ҳеч ким сезмаганди. Шифокорлар ҳарчанд уринишмасин, унинг ҳаётини сақлаб қолишолмади.

Буёғини сўрасангиз, Аҳмаднинг акаси Неъмат билан Саломат 1992 йилда турмуш қуришган. Ўрталарида уч нафар фарзандлари бор. Улар 2001 йилда қонуний ажрашишган бўлишса-да, уйни ўзлаштириш учун ноқонуний яшаб келишган. Аҳмад ва бу хонадон фарзандларини яқиндан билганларнинг гувоҳлик беришича, амаки ва болалар бир-бирларини жуда яхши кўришган. Шу сабабдан ҳам эр-хотин қонуний ажрашишган бўлса-да, ижарада яшаб турган Аҳмад ҳар икки тарафнинг розилиги билан хонадонга олиб келинган.

Суд-тиббий экспертизаси Саломатнинг даъвосини бутунлай рад этди. Қизалоқнинг иффати бузилмаган, деган хулоса берди. Воқеа шу даражага етмаслиги мумкинмиди, деган савол кўпчиликни ўйлантирди. Ака саналмиш Неъмат иш шу қадар чигаллашиб кетиши мумкинлигини нега аввалроқ ўйлаб кўрмади? Оилага дарз етгани меҳрни совутдими?

Термиз шаҳрида юз берган мудҳиш ҳодиса яқинда жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судида кўриб чиқилди. С.Сафарова суд ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Ўт балоси, сув балоси, туҳмат балоси ёмон. Келажак орзулари бир олам Аҳмад эндигина олий даргоҳ остонасидан ҳатлаб, ҳаёт денгизида сузиш арафасида туҳмат курбонига айланди. Уни туҳматнинг сўнгги қурбони дегинг келади. Зора, бир осмон остида яшаётган одамлар орасида туҳмат деган беаёв душман қайта юз кўрсатмаса...

Шаҳриддин ЭШИМОВ,
ҳуқуқшунос
Ҳамид ЭГАМ,
журналист

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими бошлиғи Сейтназаров Курбанбайга отаси

Реимбай СЕЙТНАЗАРОВнинг

вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан Курганова Феруза Абдукаримова номига берилган 000120 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНДИ.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-718. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
1 2 3 4 5 6